БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил
8 февраль
Пайшанба
№ 27 (13.463).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1990 йил 6 февраль куни КПСС Марказий Комитетининг партия XXVШ съездига ҳаракат дастури лойиҳасини ва шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Музокараларда СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, И. В. Курчатов номидаги атом энергияси институтининг директори Е. П. Велихов, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси В. И. Воротников, Тюмень областидаги «Нижневартовскнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси парткомининг секретари Ю. А. Ганьковский; Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Вяляс, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев, КПСС Свердловск шаҳар комитетининг биринчи секретари В. Д. Кадочников, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. А. Ивашко, Иркутск областидаги Коршунов кон-бойитиш комбинатининг экскаватор машинисти А. П. Мясников, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ануфриев, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, «Советская культура» газетасининг бош муҳаррири А. А. Беляев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Министрлар Совети озиқ-овқат ва харид ишлари Давлат комиссиясининг раиси В. В. Никитин, Татаристон АССРдаги Кама кўп юк тортадиган автомобиллар ишлаб чиқариш бирлашмаси парткомининг секретари В. А. Вилегжанин, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян, КПСС Курск область комитетининг биринчи секретари А. И. Селезнев, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. Н. Слюньков, Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари С. Д. Ниетуллаев, тармоқлараро «Кўз микрохирургияси» илмий-техника комплексининг бош директори С. Н. Фёдоров, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, КПСС Калинин область комитетининг биринчи секретари Н. Ф. Татарчук, СССР Фанлар академияси иқтисодиёт бўлимининг академик секретари вазифасини ижро этувчи С. С. Шаталин, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Г. Гумбаридзе, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Крючков сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 7 февралда ўз ишини давом эттирди.

* * *

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVШ СЪЕЗДИГА ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИНИ ПУХТА ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАҲРИР-КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ТЎҒРИСИДА.

6 февраль куни М. С. Горбачев раислигида комиссия мажлисларида КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIШ съездига ҳаракат дастури лойиҳаси юзасидан Пленум қатнашчилари киритган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқишни давом эттирди.

ҲАМИША НАВҚИРОН ЁШЛИК!

«ЁШ ЛЕНИНЧИ» ГАЗЕТАСИНИНГ БИРИНЧИ СОНИ ЧОП ЭТИЛГАНИГА БУГУН РОППА-РОСА 65 ЙИЛ ТЎЛДИ. ШУ ДАВРДА РЎЗНОМА ЁШЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ МИНБАРИ ВА КЎЗГУСИГА АЙЛАНДИ. БУГУНГИ КУНДА 540 МИНГГА ЯҚИН НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАЁТГАН ГАЗЕТА ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА БОРИШГА, ЯНАДА ЎҚИМИШЛИ ВА ҲОЗИРЖАВОБ МАҚОЛАЛАР БИЛАН МУШТАРИЙЛАР ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНИШГА ИНТИЛМОҚДА.

БУГУНГИ ҚУТЛУҒ АЙЁМ КУНИ БИЗ ГАЗЕТАНИНГ БАРЧА ЎҚУВЧИЛАРИНИ, УНИНГ КЎП СОНЛИ МУАЛЛИФЛАРИНИ, ТОЛМАСБИЛАК УСТОЗЛАРНИ ЧИН КЎНГИЛДАН МУБОРАКБОД ЭТИБ, УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ВА УЗОҚ УМР ТИЛАЙМИЗ.

«ЁШ ЛЕНИНЧИ» РЎЗНОМАСИ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ ВА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА!

Азиз дўстлар!

Сизларни «Ёш ленинчи»нинг қутлуғ 65 ёши билан табриклаймиз. Бу кунни бутун жумҳурият комсомоли учун ҳам байрам деб биламиз. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида дунёга келган «Ёш ленинчи» Ўзбекистонда халқимизнинг энг яхши анъаналарини ривожлантиришга баракали ҳисса қўшиб келмоқда. Шу боисдан у нафақат ёшларнинг, балки барча меҳнаткашларнинг севимли рўзномаси, жумҳуриятимиз комсомолининг жанговар жарчиси бўлиб қолди.

Қутлуғ кунда хайрли ишларингизда Сизларга омад, ижодий баркамоллик, шахсий ҳаётингизда бахт-саодат тилаймиз.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси.



Мақсадимиз бир

Мана икки йилдирки, «Ёш ленинчи» саҳифаларида «Комсомольская правда» ва «Собеседник» ҳафтаномасида чоп этилган энг яхши мақолалар ўзбек газетхонларига тақдим қилинмоқда. «Ёш ленинчи» ва «Комсомольская правда»нинг дўстлиги ҳамда ўзаро ҳамкорлиги яхши самаралар бераётир. Буни кейинги вақтда газетанинг нусхаси кўпайганлиги ҳамда ўқувчилар мактублари сони ошганлигидан ҳам кўриш мумкин. Ҳар иккала газета редакцияси коллективининг ВЛКСМ XXI съезди арафасидаги вазифалари хусусида «Комсомольская правда»нинг бош муҳаррири Владислав ФРОНИН ва «Ёш ленинчи» муҳаррири Жаббор РАЗЗОҚОВ ўзаро мулоқот қилишади.

В. Ф: — Энг аввало, «Комсомольская правда» ходимлари номидан «Ёш ленинчи»нинг 65 йиллиги билан қизғин қутлайман. Ўйлайманки, юбилей йилида газета журналистлари ўз муштарийларини янада ўқишли мақолалар, муҳим масалаларни олға сурган материаллар билан хурсанд қилишади.

Ж. Р.: — Раҳмат, Владислав! Хабарим борки, шу йилнинг май ойида «Комсомолька» ҳам ўзининг 65 йиллигини нишонлайди. Демак, бизнинг газета ёши сизникига қараганда бироз каттароқ экан...

В. Ф: — Бор-йўғи уч ой. Аммо, Жаббор, сиз ҳақсиз! «Ёш ленинчи» бир қатор ёшлар матбуотининг оқсоқоли ҳисобланади. Мен ана шу анъаналарга бой бўлган газета билан «Комсомольская правда» ҳақиқий қардошлик ва амалий алоқалар ўрнатгандан хурсандман. Очиғини айтадиган бўлсак, сизнинг редакциянгиз ёшларни байналмилал руҳда тарбиялаш борасида ўзига хос инқилоб қилди. Ҳа-ҳа, бу ҳеч қандай муболағасиз фикр бўлиб, ўйлайманки, қайта қуриш туфайлигина бунга эришилди. Ахир, у турғунлик йилларида Ўзбекистонда рус тилини «чуқур ўрганиш»га ружу қўйилиб, болалар боғчаларида, мактабларда, олий ўқув юртларида унга эътиборни кучайтиришган ҳолда ўзбек тилига ҳам ёрдам зарурлигини мутлақо унутиб қўйишганди.

«Ёш ленинчи»нинг навқирон журналистлари хатти-ҳаракати боис ниҳоят жумҳуриятда ўзбек тилига давлат мақоми берилишига эришилди. Зеро, тил — халқ қалби, унинг тарихи ва илдизидир. Ҳар бир халқ ўз она тилини, миллий маданиятини, урф-одатларини яхши билмас экан, бошқа миллат ва элатларга бўлган ҳурматини кучайтиролмайди.

Ж. Р: — Агар билсангиз, Владислав, «Комсомольская правда» ва «Собеседник»ни ўзбек тилида чоп этиладиган махсус сонларимиздан сўнг биз ўзига хос янгилик яратдик. Узоқ қишлоқларда... «Комсомольская правда»нинг ўқувчилари кўпайди.

В. Ф: — Наҳотки? Бу мени газетанинг бош муҳаррири ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг бюроси аъзосини қувонтиради, албатта. Демак, Коммунистик партия ва ВЛКСМнинг олиб бораётган сиёсати ўзбек қишлоқларида яшаётган ўн минглаб йигит ва қизларга янада тушунарлироқ бўлиб қолган. Шуни тан олиш керакки, кўпгина ҳолларда рус тилини яхши билмаган ёшлар «Комсомолька»ни мунтазам ўқимай, унда кўтарилаётган муаммолардан бехабар бўлишиб, мамлакатда рўй бераётган воқеалардан четда қолишаётгани аниқ эди.

Ж. Р: — Нимасини айтай, йиллар давомида ёшларимизнинг бу қатлами билан орамизда бўшлиқ ҳосил бўлганди. Мана, бир йилдирки, ярим миллион нусхада чоп этилаётган «Ёш ленинчи» бу борада кураш олиб бормоқда. Ўтган йили биз «Комсомолька»нинг ўзбек тилидаги махсус 11 сонини чоп этиб, ўқувчиларимизни энг долзарб мақолалар билан таништириб бордик.

В. Ф: — Москвада буни биз аниқ сездик. Гап шундаки, редакциядаги хатлар бўлими энг йирик участкадир. Унинг ходимлари ҳар йили редакция ҳайъатини мамлакатимизнинг қаеридан мутлақо хат келмаётганлиги билан хабардор қилиб туришади. Ана шундай хат олмаётган жойлардан бири Ўзбекистон ҳисобланарди. Масалан, биз йиллар давомида Хоразм ва Қашқадарё вилоятларидан мутлақо хат олмасдик. Ҳозир аҳвол бошқача. Гоҳида, менга ўзбек тилида ёзилган хатларни олиб келишади...

Ж. Р: — Ўқувчиларнинг фаоллиги ошишида шу нарса диққатга сазоворки, «Комсомолька» бошқа марказий газеталарга қараганда жумҳуриятимизга кўпроқ эътибор бериб, бу ерда рўй бераётган воқеаларни халол ва тезкорлик билан ёритишга ҳаракат қилмоқда.

В. Ф: — Бошқача бўлиши мумкинми? Биз, «Комсомольская правда» журналистлари газета орқали сизга кўмак беришга ҳар доим ҳозирмиз. Эсимда, биз миллий Наврўз байрамини ҳимоя қилиб чиққанимизда, Ўрта Осиё халқларидан кўплаб миннатдорчилик мактубларини олгандик. Биз фақат ҳимоя қилиб қолмасдан, уни кенг тарғиб этгандик. Ўтган йили агар эсласангиз, Самарқанд вилояти, Ургут ноҳиясидан «Ёш ленинчи»нинг сураткаши Еркабой Ботиров тайёрлаган фоторепортажни чоп этдик.

Ж. Р: — Ўтган йили «Комсомолька» саҳифаларида газетамиз журналистларининг бир қатор мақолалари ҳам чоп этилди. «Ёш ленинчи»нинг бир неча ходимлари Москвада малака оширишди. Агарда менга «Ёш ленинчи» — бу ўзбекча «Комсомолька» дейишса, асло ажабланмайман. Менинг ҳамкасбларим, шу жумладан ўзим ҳам «Комсомолька»дан кўп нарса ўрганиб, мақолаларнинг таъсирчанлигини оширишда, ёшлар талаб-эҳтиёжларини ҳимоя қилувчи мақолалар билан чиқишга ҳаракат қилаяпмиз.

В. Ф: — Биз ҳам «Комсомолька»да мамлакатимиз ёшлар матбуоти нашрларидан кўп нарсаларни оляпмиз. «Ёш ленинчи» саҳифаларида ўтказилган тажриба шуни кўрсатдики, «Комсомольская правда»нинг бошқа қардош жумҳуриятларда ҳам алоҳида сонларини чиқариш мумкин экан. Илгари биз бу сонларни АҚШ, Англия ва Францияда чоп этишга келишгандик. Бу ҳам керак. Аммо менинг назаримда умумиттифоқ газетасини озарбайжон, эстон, молдаван, қозоқ ва грузин йигит-қизлари ўз она тилларида ўқишлари муҳимдир.

Ж. Р: — Мен худди ана шу хусусида Фарғона вилоят комсомоллари делегат қилиб сайлашган ВЛКСМнинг XXI съезди минбарида туриб айтмоқчиман. Агар билсангиз, мен ҳам сиз каби комсомолнинг навбатдан ташқари бўладиган анжуманидан кўп нарса кутаяпман. Айни дақиқада эскича ишлаш, кутиб туриб бўлмайди. Шу пайтгача айрим ўртоқлардан ёшлар — бу мамлакатимиз келажаги, деган фикрларни эшитардим. Мен бу фикрларга асло қўшилолмайман. Менимча, ёшлар мамлакатнинг ҳозири, фақат улар гина инқилобий қайта қуриш ғояларини ҳаётга татбиқ қила оладилар.

В. Ф: — Сизнинг фикрингизга қўшиламан, Жаббор! Менинг ҳам съездда айтадиган гапларим кўп. Энг аввало, комсомол рўй бераётган воқеаларнинг ортида боришига, партия ва совет органлари ишини такрорлаш, сокин хоналарда қоғозни қора қилишига барҳам бериш ҳақида гапириш лозим. Ёшлар билан очиқ мулоқотда бўлиб, уларнинг муаммолари, қизиқишлари ҳақида бор ҳақиқатни айтиш керак. Фақат ҳақиқат, у қанчалик аччиқ бўлмасин, бизни катта кулфатлардан асраб қолади.

Ж. Р: — Сиз ҳақсиз, Владислав! Фақат ҳақиқат ва рўй бераётган воқеаларни очиқойдин баён қилиш газеталаримиз ва комсомол учун фойдадан холи эмас. Мен мақсад ва вазифаларимиз бир эканлигидан хурсандман.

Суҳбатни Мирзааҳмад АЛИМОВ ёзиб олди.

* * *

СУРАТДА: «Комсомольская правда» газетасининг бош муҳаррири В. Фронин ва «Ёш ленинчи» газетасининг муҳаррири Ж. Раззоқов «Комсомолька»нинг «Мовий» залида.

Сураткаш Е. БОТИРОВ.

Долзарб мавзу

ХАЛҚИМИЗ МЕРОСИ —БЕБАҲО ХАЗИНА

Фарғона вилоятида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ҳузуридаги мафкуравий комиссиянинг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар партия қўмитасининг норасмий ташаббускор бирлашмалар аъзолари билан бўлган муносабатидаги амалий фаолияти кенг муҳокама қилинди ҳамда жумҳурият партия қўмиталарининг бу соҳада олиб борадиган ишларини фаоллаштиришга доир тавсиялар берилди. Мафкура ходимларининг улар билан олиб бораётган ишларини янада такомиллаштириш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Мафкура комиссиясининг мажлисида шунингдек, Ўзбекистон халқларининг «Мерос» тарихий ва маданий бойликларини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш ҳаракатномаси кўриб чиқилди ва маъқулланди. Мухбиримиз жумҳурият Компартияси Марказий Қўмитаси Мафкура бўлимининг мудири Шаҳобиддин Сирожевич ЗИЕМОВга «Мерос» ҳаракатномасининг мақсад ва вазифалари ҳақида бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Шаҳобиддин Сирожевич, «Мерос» ҳаракатномасининг тузилишига нима сабаб бўлди?

— Жумҳуриятимизда қайта қуриш жараёни тобора чуқурлашиб бораётган, айниқса, маънавий муҳитнинг соғломлашуви сезиларли бўлган бир пайтда меҳнаткашлар орасида, авваламбор ёшлар ўртасида халқимизнинг тарихий ва маданий меросини ташвиқот қилиш кўнгилдагидек эмаслиги билиниб қолмоқда. Кейинги ўн йилликларда тарихий мавзудаги нашрлар, Ўзбекистоннинг адабиёти ва бадиий маданияти тарихига бағишланган рисолалар ҳажми ва кўлами анча камайган. Жумҳуриятимиздаги ўрта умумтаълим мактабларида ва олий ўқув юртларида Ўзбекистон адабиёти ва маданияти тарихини ўқитиш ҳаракатномаси ва соатлари етарли даражада эмас. Телевидение ва радиода Ўзбекистон халқларининг кўп қиррали маънавий меросини шакллантирган адабиёт меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, театр ва кино, халқ амалий санъати намояндалари ҳақида ҳикоя қилувчи кўрсатув ва эшиттиришлар ҳаддан зиёд оз миқдорда.

Узоқ йиллар давомида тарихий ўтмишимизга беписандлик билан муносабатда бўлганимиз, айрим давр ва тарихий воқеаларни бир томонлама талқин этганимиз халқлар ва бутун-бутун ўлкалар тарихида мутлақо ёритилмаган соҳалар пайдо бўлишига олиб келди. Ҳозирги даврда жамиятимизнинг босиб ўтган тарихий йўлини қайта мушоҳада этиш, халқларнинг узоқ ва яқин ўтмишдаги ўз тарихи, факт ва воқеалар, тарихий шахслар, фан ва маданият арбоблари тўғрисидаги бор ҳақиқатни тўлиқ билишга бўлган интилиши шунчаки қизиқишдан нафақат маълум мавзе ёхуд ўлка миқёсидаги оқибатлар билан чекланмай, балки умуман жамиятимиз тақдирида муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги пайтда чинакам халқ анъаналари ва урф-одатларини қайта тиклаш йўлида амалий чоралар белгиланмоқда. Бу аҳолининг миллий ўз-ўзлигини англаши кучайган шароитда унинг маданий эҳтиёжини қондиришга, жумҳуриятимизда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлаштиришда жипслашувига хизмат қилиши керак. Шу боис Ўзбекистон халқларининг тарихий ва маданий меросини ўрганиш ва ташвиқот қилиш учун мақсадга йўналтирилган тарзда «Мерос» ҳаракатномасининг лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. У жумҳуриятимизнинг етакчи олимлари ва мутахассислари билан ҳамкорликда тайёрланди ва мафкуравий комиссия эътиборига ҳавола қилинди.

— «Мерос» ҳаракатномасининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

— Ҳаракатноманинг асосий вазифаларидан бири маданий меросни ўрганиш ва сақлашнинг методологияси ҳамда методик назариясини такомиллаштиришдир. Унинг асосий бўлимлари қуйидагилардан иборат:

— таг-заминли асарлар, монографиялар ва илмий-оммабоп китоб ва рисолалар яратиш учун мунтазам илмий-тадқиқот ўтказиш. Қадим замонлардан то шу кунгача бўлган даврни ўз ичига олувчи «Ўзбекистон ССР тарихи» ва «Ўзбекистон санъати тарихи»ни тайёрлаш, «Ўзбекистон санъатининг кичик тарихи» (6 босма табоқ) ва «Ўзбекистондаги тарихий ва маданий ёдгорликлар умумлашмаси» (тахминан 9-10 босма табоқ) кўп томликларини нашр этишни тезлатиш; Ўзбекистоннинг тарихи, адабиёти, меъморчилиги, тасвирий санъати, мусиқаси, театри, киноси, халқ амалий санъати, халқ профессионал бахшичилик ва адабий ижодкорлик тарихи бўйича босқичма-босқич асарлар ва дарслик тайёрлаш;

— Ўзбекистон халқларининг тарихига бағишланган ва уни ташвиқот қилувчи бадиий, бадиий-публицистик альбомлар, ҳужжатли асарлар, кино-видеофильмлар, мусиқавий, театр, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик асарлари, шаҳарсозлик ва меъморчилик лойиҳалари, календарлар, открыткалар, рангли суратлар яратиш;

— Ўзбекистондаги тарихий шаҳарлар ва посёлкаларнинг шаҳарсозлик ва меъморчилигидаги анъаналарни ҳисобга олган ҳолда монументал ташвиқот режасини ишлаб чиқиш, археология ва меъморчилик ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлашни, ноёб тарихий ва бадиий маданият объектларини музейлаштириш ҳаракатномасини амалга ошириш; жумҳуриятдаги йирик тарихий марказлар — Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз, Шаҳрисабз шаҳарларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва реконструкция қилиш бўйича комплекс лойиҳалар тайёрлаш ва ҳоказо;

— оммавий-ахборот воситалари, телевидение ва радио орқали ўтмишдаги буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирлар, мусаввирлар, мусиқачилар, актёрларни кенг ташвиқот қилиш, концертлар, адабий-мусиқавий, театр кечалари уюштириш, адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашувлар ўтказиш, кўргазмалар ташкил этиш, ўтказилаётган тадбирларга кенг халқ оммасини, жамоатчилик ташкилотлари ва уюшмаларни, фан, адабиёт ва санъат намояндаларини жалб этиш.

— Ҳаракатномада мақсад ва вазифалар кенг қамровли акс эттирилган экан. Айтингчи, уларни амалга ошириш учун қандай ишларни бажариш мўлжалланган?

— Ошкоралик ва демократия шароитида тарих, адабиётшунослик, санъатшунослик, шарқшунослик ва халқ оғзаки ижодиёти соҳасида кенг кўламли тадқиқотлар ўтказиш зарур. Жумҳуриятдаги ва региондаги, шунингдек, халқаро илмий муассасаларнинг Шарқ халқлари тарихий ўтмишининг турли томонларини ўрганишга бўлган куч-ғайратларини уйғунлаштириш даркор.

«Буюк ипак йўли» улкан региондаги халқлар ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган. Шу боис уни илмий таҳлил этишга алоҳида эътибор беришимиз. Бу борада мўлжалланган ишлар кўпгина мамлакатлардаги илмий кучларни, ижодкор зиёлиларни жипслаштириш лозим. Дарвоқе, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, кейинги пайтда Ўрта Осиё жумҳуриятлари, жумладан Ўзбекистонда яшовчи халқлар ҳаётига бўлган қизиқиш бутун дунёда ортиб бормоқда.

Шарқ халқларининг фани ва илмий тафаккури тарихини ўрганиш муҳим аҳамиятга молик, бунда айниқса Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Беруний, Улуғбек, Фарғоний, Фаробий сингари олим ва мутафаккирларнинг илмий меросини ўрганиш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор бермоқ зарур. Бугунги кунда аҳолининг кенг қатламлари, ҳатто зиёлилар ҳам Навоий, Жомий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қашғарий, Бобур, Фузулий, Увайсий, Зебунисо, Нодира, Муқимий, Фурқат сингари шоирларимиз асарлари билан етарли даражада таниш эмаслар. Айтиш мумкинки, бу тарихий ва маданий меросимиздаги очилмаган қўриқ. Шу боисдан ҳам уни мукаммал ўрганиш олдимизда турган долзарб вазифадир.

Кутубхоналарда ва мамлакатимиздаги Шарқ қўлёзмалари фондларида Шарқ мусиқа фани бўйича форс-тожик, араб, турк тилларида ёзилган бебаҳо бойликлар жамланган. Булар мусиқа маданиятига қўйилган ҳайкал. Ўрта ва Яқин Шарқда, шу жумладан ҳозирги Ўрта Шарқ жумҳуриятларида мусиқа санъати асрлар давомида ривожланиб, камол топганидан далолатдир. Уларнинг аксарияти ғоят ноёб бўлиб, бир ёки бир-икки нусхада қолган, холос.

Кейинги йилларда мусиқашуносликда қатор асарлар чоп этишга тайёрланганди. Бироқ, улар ҳануз ёруғ дунёни кўргани йўқ. Чет элларда, Европа мамлакатлари ва АҚШда эса Шарқ, шу жумладан Ўрта Осиё халқларининг мусиқа бойлиги ўрганилиб, уни оммага етказиш яхши йўлга қўйилган. Биз бу борада устунликка эришмоғимиз ва зудлик билан чора кўриб, «Шарқнинг мусиқа маданияти ёдгорликлари» махсус туркумини чоп этилишини ҳал этмоғимиз даркор. Ҳозирдаёқ тайёр

(Давоми 3-бетда).

Тилаклар ва истаклар

Газетанинг кейинги вақтда бирмунча жонланганлиги маъқул. Бу жонланишни изчил давом эттирмоқ керак. Токи, газета ўз муштарийларининг ишончини тўла қозонсин, уларнинг яқин дўсти ва маслаҳатчисига айлансин.

С. ҚОСИМОВ,
Жиззах шаҳридаги травматология ва ортопедия касалхонасининг бўлим мудири, СССР соғлиқни сақлаш аълочиси.

* * *

Яқинда шаҳардаги бир неча газета ва журнал сотадиган дўконларни айланиб, «Ёш ленинчи»ни топа олмадим. Бу шуни кўрсатадики, газетхонлар уни бир зумда олиб қўйишяпти. Демак, муштарийлар газетага ўзларини яқин тутишиб, уни интизорлик билан кутишади. Истардимки, газета ва газетхон ўртасидаги алоқа асло йўқолмасин.

Д. ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилоят ташкилотининг ходими.

* * *

Истардимки, газета талаба ёшларнинг энг яхши сирдошига айланиб қолсин. Бу борада газетада ташкил этилган «Жилға»нинг ўрни ва салмоғи катта бўлмоғи даркор.

В. УМАРОВ,
Самарқанд Давлат педагогика институтининг толиби.

* * *

Газета эшиги доимо очиқ бўлсин. Унга қадам қўйган ҳар бир йигит-қиз ўз муаммоларининг ечимини топсин. Шундагина «Ёш ленинчи» ҳақиқий мақсадга эришган бўлади.

В. РАҲМОНОВ,
Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл ноҳиясидаги «Совет Ўзбекистони» жамоа хўжалигида яшовчи байналмилалчи-жангчи.

18 февраль—Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларга сайловлар куни

Ишонч мандати пок бўлсин!

«Бурунги сайлов»лар бугунги сайловчилар хотирасидан кўтарилган эмас. Олиндан тайёрланадиган «халқ вакиллари» рўйхати, ўта расмиятчилик, алдов, ҳатто қўрқитув ва қувғин қилиш билан ўтадиган «бир овоздан» сайловлар аччиқ сабоқлари шундоққина кўз ўнгимизда турибди. Одамларимиз ишончларини мутлақо йўқотиб қўйишган, сайланувчи ҳам, сайловчи ҳам сайловларга бефарқ бўлиб қолган эди.

Ошкоралик ва ҳақиқий демократиянинг куртаклари энди пайдо бўла бошлаган бугунги кунда, яқин ўтмиш ҳуқуқсизлиги белгиларидан соқит бўлиши ҳар бир фуқаронинг ҳаққи-бурчи ва мажбуриятидир.

Халқ аввало олдида турган сайловларнинг туб моҳиятини англаб олиши шарт. Ана шунда нима мақсад йўлида овоз бераётганлигини тушунади. Мен Асосий Қонунимиз — Конституция, сайловлар ҳақидаги Қонун ва улар атрофида қўлланилаётган турли илмий, силлиқ жумлаларни такрорлаб ўтирмасдан, оддийроқ тушунтирмоқчиман. Биз ҳақиқий халқ ҳокимияти таъминланган ҳуқуқий давлат барпо қилмоқчимиз ва шу йўлда энг катта қадам — ҳокимият органи тузаяпмиз. Бу ҳокимият эртанги кундан бошлаб сиз билан биз, болаларимиз яшаб турган мамлакат, давлат, жумҳурият... маҳалла ва ҳар биримизнинг тақдиримизни ҳал қилади. Бизнинг ҳуқуқли ёки ундан маҳрум бўлишимиз, озод инсон ёки қулга айланишимиз, соғломлик ёки тўқлик, адолат ёки разолат, тараққиёт ёки қолоқлик — «тани-сиҳат, хотиржамлигимиз ана шу ҳокимиятимизга боғлиқ бўлади. Бу ҳокимият эса олдимизда турган сайловда ишонч мандати олган — депутатлардан иборат бўлади. Демак, ҳар бир фуқаро чуқур англаб олмоғи лозимки, биз депутатлар учун эмас, ўз тақдиримиз учун овоз бермоқдамиз. Ҳар бир инсон ўз тақдири учун ўйлаши, жон куйдириши, курашиши қандай табиий бўлса, худди шундай кураш талаб қилинадиган сайлов бу. Яқин ўтмишгача ҳамма ҳақ-ҳуқуқини «каттакон»ларга ташлаб қўйиб, халқ жафодан бошқа ҳеч нарса тортган эмас. Хуллас юқори-пастга ёки ёнламасига «имо» қилиб — «имо» кутиб ўтирмасдан ҳар бир сайловчи «ўз танасига ўйлаб» курашга киришиши лозим. Лоқайд бўлиш ҳар биримизни жар ёқасига етаклаши, қонли кўз ёшлар ва синган халқ тақдирини ҳамроҳ қилиб қўйиши мумкин. Кечиккан пушаймон эса ҳаётимизни емиради.

Муштарий матбуот, радио, телевидение чиқишлари ва учрашувларда, тез-тез депутат ким бўлиши керак, кимларга овоз беришимиз керак, деган савол-жавобларнинг гувоҳи бўлаяпти. Турли фикрлар билдирилаяпти. Бири меҳнатсевар, обрўли, иккинчиси ҳалол ва халқ дардини сезадиган, бошқаси боғча, ҳаммом, йўл қуриб берадиган. Яна бири илғор ишчи, деҳқон, ёшлар вакиллари бўлсин каби нисбатан тўғри фикрлар билдираяпти.

Мен эса депутат аввало адолат сўзининг мағзини чақа билган ва шу йўлга ўзини бағишлай оладиган киши бўлиши керак деган фикрдаман. Чунки, ҳамма ҳислатларнинг бошида аввало адолат туради. Ўтмишдан халқ адолатга ташна бўлган. Бу чанқоқлик инсонлар тафаккурида «Одил худо»ни пайдо қилган. Нажотни «одил худо»дан кутганликлари учун диндорларимиз худони асрлар оша эъзозлаб келишади. Одиллик — адолат дегани. Адолат сўзи мағзидан адлия бунёд бўлган, у эса адолатли қонунлар қабул қилиш, уларни одиллик билан жорий қилиш деганидир. Депутатлардан иборат халқ ҳокимияти эса халқ иродаси мужассамлашган қонунлар қабул қилади. Бу қонунлар жамиятнинг ҳамма тарафини тўла қамраб олади. Ҳуқуқий давлат қарор топади. Демак, адолатли депутатларга овоз беришимиз керак. Хўш, адолатли киши ким? Бу, аввало яхши, ҳалол ва меҳнаткаш бўлиш билан чегараланмайди. Чунки адолатли кишида бу ҳислатлар бўлиши табиий. Адолатсиз бўлган шахсда обрў ҳам бўлмайди. Саводсиз, маърифатдан йироқ, табиат ва жамиятнинг «оқу қора»сидан бехабар киши ҳам адолатли бўлолмайди. Чунки адолат учун билим, фикрлаш, тафаккур ва мулоҳазага қобиллик ҳам талаб қилинади. Адолатли киши инсон ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши керак. Маданиятли, ўтмиш ва келажакни тўғри тасаввур қилиши лозим. Халқ анъаналари, урф-одатлари, характерини тушунмаган кишидан ҳам одиллик кутиб бўлмайди. Зийрак, дарди бор кишилар юқоридаги ҳислатлар билан жамулжам адолатлиликни ўзида мужассамлаштириши мумкин. Хуллас... фикримни баён қила билдим чамаси.

Энди, биз бошимиздан кечирган сайловлардаги юз берган «оқибатли» воқеаларни адолат билан тарозига солиш ва ҳаётимизга нақадар акс-садосини баҳолаб кўриш лозимдир.

Масалан, Ўзбекистонда олти йил давомида «гдлянчи»лар даҳшатли адолатсизликлар кўрсатгани, халқимиз устидан террор ўтказиб, нафсонияти, қадрини тепкилаганини ҳамма сайловчилар яхши билишади. Ўша пайтларда ҳам жумҳурият аҳли бир неча марта ўз ишончли вакилларига овоз бериб, мандатли қилган эдилар. Уларга ишонч билдирилган эди. Ишонч оқландими? Йўқ, мутлақо йўқ! Кўпчилиги мансабдор — «казо-казо»лардан иборат, қолган босими фикрлаш қобилиятидан йироқ бўлган депутатлар фақат ўзларига берилган имтиёзлардангина тўлиқ фойдаландилар. Қўл кўтар деса, кўтарди, тушир деса, туширди. «Десантчи»ларнинг ўз сайловчилари устидан ўтказаётган «тажриба»ларига томошабин бўлиб турди. Минглаб қабулига келганларга «гдлянчи»лар ўтказган зуғумларни эшитиб, безрайиб ўтираверди. Бу нарсани қонун тили билан баҳолайдиган бўлсак, қонунсизлик, адолатсизлик, одамни оёқ ости қилиш қолларига ўзларининг жим туришлари билан розилик билдирдилар ва томир отишига шароит яратиб бердилар, дейилади. Бундайлар жами қилмишларининг шериги ҳисобланадилар.

Бугунги кунда депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинганлар орасида ўша давр жиноятларининг томошабинлари ва «шерик»лари яна учраб қолаяпти. Кеча мандати бўла туриб, ўз сайловчиларини турткилатиб қўйган шахс, бугун уялмайнетмай яна ўз номзодини тиқиштираяпти. На виждони, на халқ ундан — «Ҳой, кеча бошга ташвиш тушганда қаерда эдинг?» — деб сўрамаяпти. Сўраш, сўраганда ҳам қаттиқ сўраш керак, токи сайловчи овози такрор хор бўлмасин. Мен бугунги сайловчиларга, номзодлардан «фалон нарса қуриб бераман, ободончилик қиламан, шароит яратаман» деганига мутлақо овоз бермасликни таклиф қиламан. Чунки қуриш, яратишга айрим сайловчилар яшаб турган жой эмас, бутун жумҳурият музофотлари муҳтож. Бу масала ҳамма жойда бир хил ривожланиши лозим. Депутат ҳаммом ва йўл қурилиши билан овора бўлиб қолмаслиги керак. Бу иш давлатнинг вазифаси, депутатсиз ҳам амалга ошиши керак. Шу билан бирга «нима бўлса ҳам, депутат ўзимиздан бўлсин» деган маҳаллийчилик», уруғчилик ва чекланган доирада сайловчилик қилиш ҳам олдиндаги сиёсий кампаниянинг моҳиятига етиб бормаганликдан бошқа нарса бўлмай қолади. Нариги маҳалладан бўлса ҳам одил кишини сайлаш керак, бундай одам ҳеч кимни «сеники — меники» деб ажратмайди.

Зеленоградлик ва ленинградлик сайловчиларга ўхшаб Гдлян ва Иванов каби бўғизигача жиноятга ботиб кетган фирибгар, қаллоб шахсларга овоз бериб қўйишдан эҳтиёт бўлиш керак.

Буни биз ҳам бошдан кечирдик. Жумҳуриятимиз Олий Советига депутат қилиб Бухоро вилоятидан Бутурлин деган кимсани сайлашди. Айни пайтда бу одам ўзбек халқи ҳақида тасаввурдан йироқ, унинг қони, тили, урф-одати, анъанасига бегона эди. Уни ўзбек онасининг титилган бағри, боласининг ўлими, маърифатли одамларининг бели синдирилаётгани заррача ҳам ташвишлантирмасди. Минглаб сайловчилар, жумҳурият прокурори бўлган бу одамга бир овоздан «Ўзбекистонликлар устидан геноцид тажрибалари учун» депутатлик ишонч мандатини бердилар.

Уни эса фақат жумҳурият аҳлини бадном қилиш, ўз манфаати учун мустаҳкам пойдевор қуриш, юлдузлар ва нишонлар тақиш қизиқтирарди. Шайкаси билан қилган «мўъжиза»ларини халқимиз ҳали-бери унутмайди. Бу марказнинг ишончли вакили бухороликлар берган овоздан олган мандатни топширишни ҳам унутиб жўнаб қолди. Икки йилдан ошиқ вақт давомида уни сайловчилари борлиги ташвишлантирмади, лекин пули ва имтиёзидан фойдаланиб юраверди. Ана шундай депутатларга овоз беришдан огоҳ қилмоқчиман.

Кечагина содир бўлган сайловчилик фаолиятимиздан кўз юмиб бўлмайди. Юзлаб ишончли вакиллар талвасага тушиб, Анишчев, Романовский каби «буюк»ларга овоз беришга тарғибот қилди. Сайловчиларимиз ҳам ўйлаб ўтирмай овоз бераверди лар. Мамлакат олий даргоҳига бориш мандати тегиши билан хайр-маъзурни ҳам насия қилиб жўнаб қолишди. Энди уларни ўзбекистонлик сайловчиларнинг дарди, оҳу-ноласи қизиқтирадими? Менимча, йўқ! Чунки уларни ўша пайтда ҳам бу юрт ташвишлари безовта қилмаган. Юзлаб, бели майиб бўлган ҳалол ва заҳматкаш кадрлар улар юритган сиёсат ҳосиласидир.

Ёки, ана шулар каби «тажрибали, фаол ва принципиал» одамларга халқимиз овоз бериб турганда, улар пала-партиш, ноҳияларни, вилоятларни, министрликларни бирбирига қўшиб-ажратиб ётган эди. Норозиликлар, жанжаллар чиқаётган эди. Бу ишларга халқнинг миллионлаб сўм пули сарфланаётган эди. Улар эса цирк артистидек кадрлар билан «масхарабоз»лик қиларди.

Ана шундай номзодларга овоз бериб қўйиш кечирилмас гуноҳ эканлигини айтмоқчиман.

Мамлакат олий анжумани — халқ депутатлари Съездлари, сессия йиғилишларининг гувоҳимиз. Минбардан «нега бунча нолиб қолдик, ахир қандай ишлаётган бўлсак, шундай яшаяпмиз-да!» — деган хитоб янграганда қарсак бўлиб кетди. Биз билан сиз овоз берган депутатлар ҳаммадан баланд ҳайқирган-олқишлаган бўлса ажаб эмас. Чунки бирортаси сўз олиб: — «Эй, ҳалойиқ, жазирама-ю-изғиринни демай, кеча ёки кундуз, қари ёки ёш, кўп болали она ёки гўдак қизча демай ишлаб ётган ўзбек халқи жаҳоннинг қайси мамлакати ёки музофоти аҳлидан кам ва ёмон меҳнат қилди? Нега чўп қадаса ҳосил берадиган ерда у меҳнатига яраша эмас, ёмон яшаши керак» дея олмади-ку!

Бугун биз овоз берадиган депутатлар ана шундай дадилликка қодир кишилар бўлиши керак.

Яқинда СССР халқ депутати нишондоридан бири билан гаплашиб қолдим. Унинг жамият, халқ ташвиши у ёқда турсин, ҳатто ўз гражданлик ҳуқуқларини ҳам тушунмаслигини сездим. Рус тили у ёқда турсин, ҳатто ўзбек тилида ҳам фикрини жумлага солиб гапира билмайди. Мен у билан илгаридан таниш бўлганлигим учун эркинсираб: «Ўз ҳуқуқини ҳам англай билмаган одам кўпчилик ҳақ-ҳуқуқи учун курашганда нимага эришарди? Сизга ҳайронман, нега кучингиз етмаган жойга интилдингиз, бундан кимга нима наф?» — деб сўрадим. У ҳеч тап тортмай: «Мана, сизларга ўхшаганлар маслаҳатчи бўласизлар, консультантлар бор, ишлайверамиз-да!» — деб жавоб қилди.

Ана ҳангома! Мен сайловчиларимизга сессияларга, муҳим қонунлар қабул қилиш ва масалалар ҳал қилиш пайтида мажлис залларига бир тўда консультантларни «қўлтиқтаёқ» қилиб олиб юрмайдиган номзодларга овоз бериш фойдали бўлар эди деб маслаҳат бераман.

Депутат халқ хизматкори эмас, балки у халқнинг ишончли вакилидир. Ўз сайловчилари иродасини давлат ҳокимияти ва ҳукуматига етказиш билан мамлакатни идора этишда халқ ҳокимиятини таъминловчи шахс. Уни пала-партиш сайлаб ташлайвермаслигимиз керак.

Халқимизнинг «Санамай—саккиз дема», «Етти ўлчаб — бир кес» деган доно мақолларини ёддан чиқармаслик лозим. «Етти бўлса — етти», «саккиз бўлса — саккиз марта» санаб-ўлчаб кўрайлигу, лекин бебурд, лоқайд, номуносиб номзодни сайлаб қўймайлик.

Халқнинг ишончи ўлмасин. Сайловчиларнинг ишонч мандати пок бўлсин!

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,
Ўзбекистон ССР прокурорининг ёрдамчиси, матбуот марказининг раҳбари, адлия катта маслаҳатчиси.

Ёшлигимиз солномаси

Бошда ёшлар газетасининг туғилиши анча оғир кўчганини айтиб ўтай. «Ёш ленинчи» 1925 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасига қўшимча варақа шаклида чиқа бошлади. Ўзбекистон комсомолининг биринчи қурултойи қатнашчилари (1925 йил, апрель) ёшлар газетаси алоҳида чоп этилишини талаб қилишди. Шундан 14 кун ўтгач, 23 апрелда жумҳурият комсомоли Марказқўми ёшлар газетасини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди ва Анқабой Худойбахтиевни унга муҳаррир этиб тайинлади. Газетага «Ёш ленинчи» номи берилди. Унгача газетага Б. Қориев муҳаррирлик қилган эди.

Қарийб уч йил ўтгач, Ўзбекистон комсомоли Марказқўмининг 1928 йилдаги VII пленумида Марказқўм котиби Камол Шарипов куюнчаклик билан қуйидагиларни баён этганди: **«Ягона газетамиз «Ёш ленинчи» тартибли суръатда чиқмаётир. Шу кунгача фақат олти сони чиқди. Булар ҳам қишлоқларга етиб бормаяпти. Ўзкомпартия Марказқўмидан ва ҳар хил муассасалардан ёрдам пули олишга мажбур бўляпмиз. Эндиликда газета учун зарур сармоя қисман давлат бюджетига киритиляпти. Бу ҳам етмайди. Бизлар ўз газетамизнинг моддий асосини мустаҳкамлаш йўлида ҳаракат қилмоғимиз керак».**

Ўша вақтда «Ёш ленинчи»нинг тиражи ҳам жуда оз эди. Газетанинг биринчи чиққанига тўрт йил вақт ўтгач, комсомол Марказқўми газета масаласини яна муҳокама қилиб, қуйидагиларни таъкидлади: **«68 минг аъзога эга бўлган Ўзбекистон комсомолининг бирдан-бир газетаси «Ёш ленинчи»нинг тарқалиши жуда оз — фақат 10500 нусха. Ўзбекистонда «Ёш ленинчи»га обуна бўлмаган битта ҳам саводли комсомол, кашшоф, меҳнаткаш ёш қолмасин, деган шиорни бажаришга барча ташкилотлар сафарбар этилади».**

«Ёш ленинчи» йигирманчи йилларнинг охири ва ўттизинчи йилларнинг бошларида ўзбек адабиёти ва санъатининг ривожига доир муҳим муаммоларни замон ёшларига хос дадиллик, жўшқинлик билан ёритиб борганини тенгдош зиёлиларимиз ҳозир ҳам фахрланиб ёдга оладилар. Табиатан янгиликка ҳамиша ўч ёш қаламкашлар нафис адабиёт борасида ҳам замон тақазосига мосланиб янгиланиш, янги мазмун, янги шакл кашф этиш, бунга қарши ташлаётган тўғонларни улоқтириб ташлаш учун ўша шиддат билан курашганларини «Ёш ленинчи»нинг ўша йиллардаги сонларида босилган мақолалар, адабиёт саҳифаларидаги шеърлар, ҳикоялар, очерклар, лавҳаларни кескин, ўткир, баъзан «қуюшқондан ташқари чиқиб кетадиган» танқидий мақолаларни ўқиб чиқишлари равшан.

Самарқандда ташкил топган «Қизил қалам» ёш ёзувчиларнинг биринчи уюшмаси эди. Унда ўзбек совет адабиётининг илк қадамлари, истиқболига даҳлдор муаммолар устида қизғин мунозаралар, шеърхонликлар бўларди. Буларда турли изланишлардаги, ҳар хил оқимлардаги зиёлилар, адабиётчилар қатнашарди. Ёш адабиётимиз, уни яратувчиларни чалғитишга, ўсишига ғов солишга уринувчилар ҳам, адашганлар ҳам бор эди. Лекин кўпчилик ёшлар тўғри, порлоқ йўлни тутгандилар. Кейинроқ бориб, «Қизил қалам»нинг пойини қирқишга ҳаракат бошланганида уни «Ёш ленинчи» ҳимоя қилди. Ёшларга кенг минбар очиб берди. «Қизил қалам» яшнайди», «Қизил қалам» тирик», деб бонг урди. «Қизил қалам» ҳозирги ёзувчилар уюшмасининг сарчашмаси, тимсоли десам янглиш бўлмас. Ўша уюшмада биринчи сабоқ олган Ҳамид Олимжон, Миртемир, Уйғун, Усмон Носир, Зафар Диёр, Ҳасан Пўлатлар «Ёш ленинчи» атрофига уюшиб, унинг саҳифаларида қаламларини қайраганлари, пировардида адабиётимизнинг таниқли намояндалари бўлиб етишганлари аён.

Ёш истеъдодларни ҳар қандай вазиятларда ҳам бағрига босиб, турли бало-қазолардан ҳимоя қилиш, улар ижодига кенг йўл очиб бериш навқирон газетамизнинг илгаридан анъанавий бурчига айланиб кетганини яна бир карра қайд қилиб ўтаман. Мақсуд Шайхзода қандайдир адолатсизлик боис Бокудан Тошкентга келган ва базўр тирикчилик қилиб юрганида «Ёш ленинчи» бағрига олди. Шайхзода шу ерда эркин қалам юритиб, камол топди, десам сира хато қилмайман. Улкан файласуф шоирнинг ўзи буни умрининг сўнгги кунларигача такрорлаб, миннатдорчилик билдиргани маълум. Шайхзода билан «Ёш ленинчи» редакциясида бирга ишлаганман. Редакция коллективи озар халқининг бу зеҳни ўткир фарзандига ҳамиша меҳрибонлик қилиб, ёрдам берди, илк асарларини фақат газетада эмас, нашриётларда ҳам чоп этилишига кўмаклашди.

Ўттизинчи йиллари Усмон Носир, Амин Умарий, Ҳасан Пўлат ҳақида ножўя гаплар кўтарилганда уларни биринчи бўлиб ҳимоя қилган «Ёш ленинчи» эди. Бу хасад булутлари тезда тарқалиб кетди ҳам, бироқ сал ўтмай қатағон йиллари, «душман» ови бошланиб, маданиятимиз, адабиётимизнинг катта-кичик намояндалари тепасида даҳшатли булутлар қуюқлашди. Юқоридан бостириб келган бу қора булут бегуноҳ, ҳалол, софдил зиёлиларимизни ютаверди. Кўпчилигимиз довдираб, эс-ҳушимизни йўқотиб қўйдик. Айримларимиз ҳатто бирбиримизга тош ота бошладик.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 7 август сонидаги редакцион мақолада қуйидаги сўзлар айтилган: **«Бир қанча газеталар редакциялари халқ душманларига қарши курашни большевикчасига пишиқлик, сиёсий ўткирлик билан олиб бориш ўрнига бу масалалар атрофида ўйламай-нетмай шов-шув кўтариб, ўзларини жуда бегуноҳ ва хатосиз қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Бу тоифадагиларнинг бошида «Ёш ленинчи» туради».** «Қизил Ўзбекистон» газетаси ёшлар газетасига бу танбеҳ-таъзирни 27 августдаги «Душманни чинакамига фош қилайлик ва хатоларни большевикча тузатайлик» сарлавҳали редакцион мақолада яна такрорлади.

«Ёш ленинчи» нодир истеъдод эгаси Усмон Носирни илгарилари ҳам қувватлади, редакцияга олиб, бағрига босди. Поэзия тўғрисидаги мақолаларда «Усмон Ўзбекистон Пушкини», «Шеъриятимиз юлдузи» деб ардоқлади. Бу баҳолар ҳаққоний эди. Юқоридаги бош мақолада яна **«Усмон Носир социалистик муҳитда тарбияланиб етишган комсомол шоири, унинг «Юрак», «Меҳрим» асарлари адабиётимиз хазинасини бойитди»**, деб таъкидланди.

Бу ҳаққоний гаплар редакциямизни балоларга дучор этди. Ҳаммамиз партиядан, комсомолдан ўчирилиб, ишдан ҳайдалдик, қувғинга учрадик. Муҳарриримиз Карим Ғайбуллаев ҳибсга олинди. Тўғри, «Ёш ленинчи»да ҳам сўнг бориб айрим маданият ходимлари ҳақида асоссиз айбловчи материаллар чиққан. Бу бошда айтганимдек, ваҳима, қўрқиш, довдираш натижасида юз берган эди.

Бир мисол келтирай, 1929 йилнинг бошида «Ёш ленинчи» ташаббуси ва комсомол Марказий Қўмитаси қўллаб-қувватлаши билан жумҳуриятда «Ҳосилдорлик учун юриш» бошланди. Ўша йилларда пахтанинг ҳар гектаридан фақат 85-90 пуд ҳосил олинарди. Демак, ҳосилдорлик жуда паст эди. Шу боис бу юриш оммани, айниқса, ёш деҳқонларни жумҳуриятимиз иқтисодиётининг асоси бўлган пахта ҳосилини кўтаришда муҳим вазифа ҳисобланарди. Партия ва совет органлари бу ташаббусни қўлладилар. Газетада Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Кенгашининг Раиси Файзулла Хўжаевнинг жумҳурият меҳнаткашларига мурожаати эълон қилинди. Унда, жумладан, қуйидагилар айтилган: **«Биз бутун меҳнаткашлар оммаси, бутун шўролар жамоатчилиги комсомолнинг бу буюк ташаббусини қўллаб-қувватлайдилар деб ишонамиз».**

Шундан кейин «Ҳосилдорлик учун юриш» оммавий тус олди. Кўп колхоз, совхозларда, қишлоқларда комсомол-ёшларнинг юқори ҳосилли бригадалари, звенолари ташкил этилди. Шаҳарлардаги муассасаларда ишлаётган ёш мутахассислар қишлоқларга доимий ишга йўл олдилар, деҳқон-ёшлар мактаблари ўқувчилари, муаллимлари ўқишни дала ишлари билан боғлаб олиб борадиган бўлди. Натижада ҳосилдорлик бир йилда 3-4 центнерга, баъзи хўжаликларда ундан ҳам ошди.

Улкан саноат қурилишларида ҳам «Ёш ленинчи»нинг сайёр вагон-редакциялари ишлаган эди. Ўрта Осиё химия саноатининг улкан корхонаси Чирчиқ комбинати қурилишида унумли хизмат қилган сайёр вагон-редакцияси министрлик ва қурилиш бошқармасининг фахрий ёрлиқларига сазовор бўлган, редакция ходимлари мукофотлар олган.

Маълумки, дастлабки йиллари жумҳуриятимизда ҳар томонлама етук журналистлар бармоқ билан санарли эди. Ўқиш, ўрганиш, ҳунарни камолотга етказиш шарт эди. Бусиз ёш совет матбуотимизни замон талабига тўла жавоб берадиган даражага кўтариш амри-маҳол эди. Ўзимизда ҳали бу соҳанинг олий ва ўрта ўқув юртлари йўқ эди. Кўпчилигимиз Москвадаги журналистик институтида, унинг қисқа муддатли курсларида ўқиб келдик. Ундан ташқари «Правда», «Комсомольская правда» газеталари, Ленинграднинг «Смена» газетаси редакцияларида машқ қилиб, тажриба ўргандик, журналистиканинг сир-асрорларини эгалладик. Бундай қутлуғ сафарлар кўпроқ ёш журналистларга насиб бўлган эди. Мен ҳам улардан бири эдим. Москва институтидаги икки курсда, сўнгра «Правда» ва «Комсомольская правда», «Смена» редакцияларида икки ойдан амалий сабоқ олганман.

Ана шу саҳифалардаги машқлар ёш журналистларнинг ҳам ихтисос, ҳам сиёсий борада камол топишида катта роль ўйнаганини таъкидлайман.


Тўлқин РУСТАМОВ.



«Ёш ленинчи» муштарийлари — Тошкентдаги Зебуннисо номли мактаб-интернат ўқувчилари. Бу сурат 1927 йилда олинган.



«Совет матбуоти» журналининг 1961 йил 8-сонидан олинган ушбу суратда «Ёш ленинчи» ижодкорлари: 1-қаторда чапдан ўнгга — бўлим мудири Карим Раҳимов, муҳаррир ўринбосари Яйра Саъдуллаева, муҳаррир Ғани Жаҳонгиров, бўлим мудири Абдуворис Абдумажидов, 2-қаторда — мухбир Наима Акрамова, бўлим мудири Мухтор Аҳмедов тасвирланган.







Газетамизнинг ҳар бир сони қайноқ меҳнат жараёни туфайли дунёга келади. Ушбу суратларда рўзноманинг бугунги сонини тайёрлашда иштирок этган журналистларни кўриб турибсиз.

Дорилфунун бўлган

Ўзбек адиблари ва шоирларининг қайси бири билан сўзлашманг, уларнинг барчаси ўзининг илк асарлари «Ёш ленинчи»да чоп этилгани билан мағрурланиб юради. Дарҳақиқат, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Ғафур Ғулом, Миртемир, Ғайратий каби ижодкорларга газета дорилфунун бўлганди.

1937 йилдан бери мен «Ёш ленинчи»да қатнашиб келаман. Дастлаб учта шеърим суратим билан эълон қилинганди. Ўша кезда газетада босилган Чўлпон, Элбек, Усмон Носир каби истеъдод эгаларининг асарларини биз севиб ўқирдик. Газета қошида ташкил этилган адабий тўгаракда ўнлаб ёшлар ўз қаламларини чархлаган. Тўгарак машғулотида Ғафур Ғуломнинг қуйидаги сўзлари ҳамон ёдимда: «Ёш ленинчи» мухбирлар, ёзувчилар, шоирлар дорилфунуни, бу газета қалам тебратишга ўргатади».

Менга ҳам жанговар газетада ишлаш насиб этган. 1952-1957 йиллар мобайнида редакциянинг спорт бўлимини бошқардим. Ундан сўнг турли вазифаларда ишладим, қадрдон газета билан алоқани узганим йўқ.

Раҳматилла ИСҲОҚОВ,
уруш ва меҳнат ветерани.

Мусобақадошлар йўқламаси

КЎПРИК

Уч йилдирки, бу бригада аъзолари Ленинград номини тез-тез тилга олишади. Ҳар гал турлича баҳона билан. Бугун Нева соҳилидаги дўстларидан кимгадир туғилган куни муносабати билан телеграмма юборишади. Ҳафта ўтгач у ёқдан мактуб келади: «Ишларимиз яхши. Кўрсаткичлардан чўчияпмиз. Тағин сизлардан қолиб кетмайлик», деб. «Олдинги участкадан хом-ашё вақтида келмаяпти. Сизлардачи? Дарвоқе, бригадир яхши етиб олдими? Биздан олган таассуротлари-чи? Ёқибдими? Журналист дўстларимизга ҳам саломимизни етказинг...»

Ҳа, бундан уч йил бурун «Ёш ленинчи» ташаббуси билан қўйилган кўприк тобора мустаҳкамланиб бормоқда «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Мирвоҳид Юсупов ҳамда Ленинграддаги «Киров заводи» бирлашмасининг В. Яров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари ўртасидаги меҳнат беллашуви давом этмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, жамоалар орасидаги ишлаб чиқариш ҳамкорлиги ой сайин янги мазмун касб этмоқда. Дастлабки йилларда улар фақат меҳнат кўрсаткичлари билан алмашиб, тажрибаларини ўртоқлашган бўлишса, эндиликда шартномада белгиланган «чизиқ»дан анча чиқиб кетдилар. Мусобақадошлар ўз жамоалари ҳаётидаги тадбирларни биргаликда нишонлашмоқда. Туғилган кун, меҳнат таътилларини бир-бирлари ҳузурида ўтказишаётир.

Куни-кеча тошкентлик тракторсозлар бригадаси бошлиғи етакчиси Мирвоҳид Юсупов редакцияга ташриф буюрди:

— Очиғи, илгарилари эътибор қилмас эканмиз, — деди бригадир. — Мана тўртинчи йилдирки, «Ёш ленинчи» туғилган кунини биз ҳам бирга нишонлаяпмиз. Нега деганда, газетангиз туфайли биз олис Украинада, Ленинградда дўстлар орттирдик. Мусобақадош бўлгандан кейин, уларни «рақиблар» ҳам дейиш мумкин. Аммо улар беғараз, яхши-ёмон кунимизда қўллаб-қувватлайдиган дўстона маънодаги рақиблар.

Яқинда бирлашма комсомол конференцияси бўлиб ўтди. Унда «Киров заводи» бирлашмаси комсомол қўмитаси котибининг собиқ ўринбосари, эндиликда бош конвейер ишлаб чиқариши бошлиғи муовини Андрей Волин бошлиқ вакиллар иштирок этдилар. Ўз навбатида «Тошкент трактор заводи» бирлашмасидан ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аъзоси, ишчи Равшан Абдуқодиров етакчилигидаги вакиллар Ленинградда «Киров заводи»лик мусобақадошлар комсомол конференциясида қатнашиб қайтдилар. Таассуротлар бир дунё. Тафовутлар ҳам йўқ эмас.

Шулардан баъзилари: вакиллар ҳисоблашича, М. Юсупов бригадаси анча жипслашган жамоа. Кунимсизлик ҳоллари деярли учрамайди. Ленинградликларда-чи? Тўрт йил ичида бригада бошлиғи уч марта алмашди. Бундан ташқари жамоанинг кўпчилик аъзолари ширкат баҳонасида турли тарафга тарқалиб кетди. Аммо ҳақиқий ўзак жойида. Кайфиятлари баланд. «Беллашувни тўхтатмаймиз», дейишмоқда улар.

— Ўтган йилги меҳнат таътилини оиламиз билан Нева бўйида ўтказдик. Пушкин шаҳрида, — сўзини давом эттиради Мирвоҳид. — Вақт топилди дегунча, дўстларимиз билан учрашиб турдим. Улардан икки киши бизни уйига таклиф этди. Меҳмон бўлдик. Дарвоқе, мусобақадошларимиз билан қуда-анда бўлиб қолсак ажабмас. Алексей Кунашчук В. Яров бригадаси қизларидан Татьянани ёқтириб қолган. Ёшлик бор бўлсин: Ленинградда юрган кезларимда Алексей изимдан борибди. Таня билан таништиринг, деб. Хуллас, шунақа гаплар... Қолганини бригадага борганингизда айтиб бераман. Ҳозирча эса бригадамизнинг юбилей табригини қабул қилинг.

Яқинда жумҳурият партия-ҳукумати Ленинград шаҳри ва вилояти раҳбарияти билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Демак, мусобақадошлар учун ҳамкорликни янада кенгайтириш имконияти туғилди. Шунга мувофиқ, улар шартнома муддатини узайтириш ниятида турищибди.

Субонқул РУСТАМ,
«Ёш ленинчи» мухбири.

ХАЛҚИМИЗ МЕРОСИ —БЕБАҲО БОЙЛИК

(Боши 1-бетда).

бўлган Нажмиддин Кавкаби Бухорий (XVI аср)нинг «Мусиқа тўғрисида рисола»си, Дарвиш Али Чанги (XVI—XVII асрлар)нинг «Мусиқа тўғрисида рисола»си, Муҳаммад ал Хоразмийнинг «Мафатих-ул-улум» (X аср) фанлар энциклопедиясидаги мусиқа қисми, Ибн Халдун асарларидаги мусиқа бўлими (XIV аср), Мумад Нишопурий (XII—XIII) нинг «Мусиқа фани тўғрисидаги рисола»си, Наиний (XVII аср)нинг мусиқа тўғрисидаги «Замзаме-йи вахдат» рисолаларини чоп этишга тайёр. Лекин уларнинг нусхасини муштарийларнинг талабига қараб белгилаш керак.

Маълумки, кейинги ўн йилликларда жумҳуриятимизда ҳайкаллар ва ёдгорликлар қуриш кенг авж олди, қизиқарли меъморчилик ансамблари дунёга келди. Бироқ, уларнинг айрим қисми бош план лойиҳаларига мувофиқ бунёд этилмади, дидсизлик билан қурилди. Юқори органларнинг кўрсатмаси бўлишига қарамай Тошкент ва Бухорони ҳисобга олмаганда бошқа ҳеч қаерда монументал ташвиқот қисми бош план лойиҳасига киритилмаган. Маҳаллий Советларнинг, меъморчилик-режалаштириш бошқармалари, лойиҳалаштириш ташкилотлари ва ёдгорликларни муҳофаза қилиш бўйича давлат ва жамоатчилик ташкилотларининг назорати йўқлиги туфайли Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Термиз, Шаҳрисабз, Хивадаги айрим меъморчилик ёдгорликларининг аҳволи ачинарли даражада.

Ўзбекистондаги ва қардош қўшни жумҳуриятлардаги тарихий обидалар, Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўҳна шаҳарларга зеб бериб турган бебаҳо меъморчилик намуналари халқларимизнинг бебаҳо бойлигидир. Халқларимиз азалдан байналмилал халқ. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийни улуғ тожик адиби Жомийсиз тасаввур этиб бўлмайди. Машҳур туркман шоири Маҳтумқули ғазаллари кирмаган хонадон йўқ. Бу анъана ҳозир ҳам давом этиши, халқларимиз дўстлигига хизмат қилиши керак.

Яна бир масала. Биз учун улуғ авлодларимиз бебаҳо мерос қолдиришган. Уларнинг жуда кўплари жумҳуриятимизнинг Шарқшунослик ва Қўлёзмалар институтларида тажрибали олимларни кутиб ётибди. Бу ноёб қўлёзмаларни, рисолаларни синчиклаб ўрганиш, кенг ўқувчилар оммасига етказиш керак. Бу ҳам ёш олимларимиз учун ҳали очилмаган қўриқ ҳисобланади.

Тарихий ва маданий бойликларимизни бугун муҳофаза қилишга киришмасак, эртага кеч бўлади. Бу иш фақат айрим ташкилотлар ва муассасаларнинггина эмас, ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг вазифамиз бўлиб қолиши керак. Шу ўринда алоҳида таъкидламоқчи эдим: ёшлар қайси миллат ва элат фарзандлари бўлишларидан қатъий назар ўз халқларининг ўтмишини мукаммал билишлари, урф-одат, анъаналари ва маданий бойликларини кўз қорачиғидек асрашлари лозим. Зеро, келажак уларники.

— Мароқли суҳбатингиз учун ташаккур!

Хорижддан хабарлар

Телетайп лентасидан

БЕРЛИН. «М. С. Горбачев: КПСС қироатхонликдан воз кечиши ва тубдан янгиланиши лозим» — «Нойес дойчланд» газетаси КПСС Марказий Комитети Пленуми ҳақида ана шундай сарлавҳа остида хабар бериб, Москвадаги партия анжуманида КПСС XXVIII съездини июнь ойининг охири — июлнинг бошларида ўтказиш ҳақида таклиф киритилганлигини алоҳида таъкидлайди. «Берлинер цайтунг» газетаси «М. Горбачевнинг КПССни янгилашга доир муҳим таклифлари» сарлавҳали материалида Пленум ишининг моҳияти ҳақида фикр юритади. «Юнге вельт» газетаси «Янги КПСС зарур» деб сарлавҳа қўйилган Москвадан олинган хабарни босиб чиқарди. Газеталар Москвадаги партия Пленумида таъкидланганидек, агар КПСС ўзини тубдан қайта қура олса, ҳозирги шароитдаги сиёсий иш санъатини эгаллай олса, барча сиёсий кучлар билан муваффақиятли алоқа қила олса, сиёсий авангардлик вазифасини бажара олишини уқтиради.

БЕЛГРАД. «Борба» газетаси Пленум ишини шарҳлаб бундай ёзади: Кўпгина кузатувчиларнинг фикрича, Пленум Совет партия ва сиёсий раҳбариятидаги консерватив қанот кучлар нисбатини ўз фойдасига ўзгартиришга уриниш учун сўнгги имкониятдир. Шу билан бир вақтда Пленум қайта қуриш тарафдорлари учун консерваторлар бошқарув воситаларини қайта қўлга олиш йўлидаги сўнгги имкониятдир. Газета М. С. Горбачев докладини баён қилиб бериб, КПССнинг янги шароитда ишлашга, СССР Конституциясини унда мустаҳкамлаб қўйилган ижтимоий тузум заминида турувчи барча ташкилотлар билан мулоқот олиб боришга тайёр эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

ПАРИЖ. «КПСС: инсонпарвар социализм» — шу сўзларни француз коммунистларининг «Юманите» газетаси сарлавҳага олиб чиқди. «М. Горбачев ўз нутқида, — деб ёзади газета, — совет коммунистлари жамиятда раҳбарлик роли учун ҳеч қандай конституцион кафолатсиз кучайиб бораётган фикрлар хилма-хиллиги шароитида бирдан-бир восита — демократия воситасида кураш олиб боришни хоҳлаётганликларини айтди». «Совет раҳбари ғоят қийин шароитда амалга ошираётган тадбирларга юксак баҳо бериш лозим, — деб ёзади «Юманите». — Биз ўтмишдаги усулларга қайтишни, имтиёзларни сақлаб қолишни истаётган кишиларга қарши, шу билан бир вақтда капитализмни тиклашни орзу қилаётган кишиларга қарши курашда М. С. Горбачевни қўллаб-қувватлашимизни айтамиз».

«КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, — деб хабар беради Москвадан Франс Пресс агентлиги, — КПСС Марказий Комитетининг Пленумида партияда ва жамиятнинг бутун сиёсий ҳаётида туб ўзгариш қилишни талаб қилиб, қайта қуришнинг янги босқичини бошлаб берди. Фикрларнинг хилма-хиллиги, СССРда амалда мавжуд бўлган кўп партиявийликнинг мумкинлиги, шунингдек КПССнинг сиёсий ҳаётда бошқа ижтимоий ҳаракатлар билан умумий асосда иштирок этиши ана шу ўзгаришларнинг асосий йўналишларидир».

БОНН. «М. С. Горбачевнинг Пленумдаги нутқи СССРда қайта қуриш сиёсатининг янги босқичини бошлаб беради, — деб таъкидлади Ғарбий Германиядаги ЦДФ телекомпанияси. Бу — партияни демократиялаш ва унинг аппаратини қайта қуриш йўлидаги жиддий қадамдир. Агар М. С. Горбачев нутқида баён қилинган тезисларни амалга оширишга муваффақ бўлинса, қайта қуриш анча тезроқ суръатлар билан олға боради, раҳбариятнинг омма орасидаги обрўси мустаҳкамланади». «М. С. Горбачевнинг таклифлари КПСС учун чинакам революцион таклифлардир, — деб уқтиради АРД телекомпанияси. — Унинг доклади асли ва моҳиятида КПССни янгилашнинг комплекс программасидир. Асосий масала — аппарат бундай программани қабул қилишга тайёрми ва розими? — Бу масала очиқ қолмоқда».

ЛОНДОН. Англияда чиқадиган «Таймс» газетаси М. С. Горбачев докладини «СССРда сиёсий ислоҳотни амалга ошириш учун шу вақтгача қилинган уринишларнинг энг дадили» деб таърифлади. «М. С. Горбачевнинг партия сиёсий ҳаётининг олдинги сафида бўлишига эришиш учун қатъий бел боғлаганига шубҳа қилишга ҳеч қандай асос йўқ», — деб ёзади газета. Совет раҳбари партия Пленумида қилган докладида, деб таъкидлайди «Гардиан» газетаси, КПССда жиддий ислоҳот ўтказишни ёқлаб чиқди, КПСС ҳеч қандай алоҳида конституцион ёки бошқа афзалликларга эга бўлмаган ҳолда халқнинг мадади учун курашмоғи лозим.

ВАШИНГТОН. Ассошиэйтед Пресс ахборот агентлиги қуйидагиларни хабар қилди: «Совет Компартиясининг ҳозирги Пленуми қайта қуриш тақдири учун ҳал қилувчи даражада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Совет жамиятининг партияда ва умуман мамлакатда туб ислоҳотлар йўналишидан бундан буён олға томон ҳаракат қилиши кўп жиҳатдан ана шу Пленум қарорларига, КПСС Марказий Комитети ишлаб чиққан сиёсий дастурга боғлиқдир. Бош секретарь М. Горбачевнинг доклади ана шу йўлда муҳим босқич бўлди».

«Бутун дунёнинг диққат-эътибори Москвага қаратилган», — деди Эй-Би-Си телекомпанияси янгиликлар программасини олиб борувчиси Питер Дженингс Иттифоқ пойтахтидан репортажида. Телекомпания «Коммунистик партияни асосли равишда мусаффо қилиш М. Горбачевга консерватив кайфиятдаги ёки порага ўрганган партия арбобларидан қутулиш, ҳамда чинакам туб ислоҳотга анча мойил бўлган янги ташкилотни тузиш имконини беради».

ТОКИО. Япония Ташқи ишлар министрлиги вакилининг айтишига қараганда, Япония ташқи сиёсат маҳкамаси «М. С. Горбачев таклифларининг амалга оширилиши халқаро барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига қатъий ишонади ва Совет-Япония муносабатларини олға силжитишга кўмаклашади», деб ҳисоблайди.

(ТАСС, 6 февраль).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

XXI АСР ТЕЛЕФОНИ

● АҚШ вақтли матбуоти Малайзиянинг «Сапура холдингз» компанияси ихтиро этган антиқа телефонни «XXI аср маҳсулоти» деб баҳолади. Лас-Вегасда ўтказилган электроника жиҳозларининг томошабин ва мутахассислар ҳукмига ҳавола этилган бу ғаройиб аппаратни фирма вакили матбуот конференциясида: «Ҳозирча жаҳонда эгизи йўқ аппарат», деб таърифлади. Уни «телефон» деб аташ ҳам бир оз қийин. Чунки, «Сапура Ц 200 Ф» аппаратига автомат жавоб қайтариш ва эслаб қолиш қурилмалари бор. Шу билан бирга у жуда яхши хотирага эга. «Мисол учун, онангизнинг телефони 19 рақамли эслаб қолиш шарт эмас, — дейди компания ижрочи директори Рамли Муса, — «О» ҳарфини босасиз, экран «она» деб жавоб қайтаради, шундан кейин рақамлар автоматик терилади ва онангиз билан бемалол гаплашаверасиз».

ХАВФСИЗЛИК ЁСТИҒИ

● ЯПОНИЯнинг «Хонда» автомобиль концерни ишлаб чиқараётган машиналарнинг ҳайдовчи хавфсизлигини таъминлаш мақсадида махсус ёстиқлар ўрнатишни режалаштирмоқда. Машина рулига ўрнатилган ёстиқ автомобиль фалокатга учраган пайтда ҳайдовчини зарбадан қутқаради. Ўтган йили мамлакатда автомобиль фалокатлари туфайли 11.086 киши ҳалок бўлган.

ЭНГ КЕКСА КИШИ ҚАЕРДА ЯШАЙДИ?

● «ГИННЕСНИНГ рекордлар китоби»да қайд этилишича, ҳозирги кунда дунёдаги энг кекса киши — 115 ёшли Керри Уайт номли аёл АҚШда яшар экан. Леди Жанубий Каролинада яшайди. Улар фикрича, Кап вилоятининг Веллингтон шаҳарчасида яшовчи Софи Эпллер Керри Уайтдан тахминан уч ёш катта. Афсуски, африкалик аёлнинг аниқ ёшини айтиш қийин, чунки унда туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома сақланмаган. Софи Эпплернинг 9 фарзанди бўлган, лекин уларнинг кўпчилиги оламдан ўтган. Набиралари, чевара ва эваралари ҳақида маълумот йўқ.





Бу суратларга бир боқинг! Уларнинг ҳар бири газетанинг бетакрор ҳаётидан бир лавҳа бўлишга моликдир. Уларнинг ўзига яраша тарихи ва санаси бор.

Юқоридаги суратлар 1989 йилда олинган. Уларда Хоразм вилоятининг Боғот ноҳиясидаги «Коммуна» колхозида «Ёш ленинчи» боғини ташкил этиш тантаналари ўз аксини топган.

* * *

Пастдаги сурат эса 1984 йилда редакция биносида олинган. Журналистларнинг меҳмони бўлишган бир гуруҳ кекса ижодкорлар ёш қаламкашларга ўзларининг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида мароқ билан сўзлаб беришди. Ёш журналистларга машаққатли юмушларни бажаришда йўл-йўриқлар кўрсатишди.

СУРАТЛАРДА ҲАЁТ АКСИ



Суратлар муаллифи

Еркабой БОТИРОВ ва Жумабой ҚОЗОҚОВ.

Бир қоп «ақл»

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, «Ёш ленинчи» журналистлари қайта қуришнинг моҳиятини жумҳуриятимизда биринчилардан бўлиб англаб етишди ва унинг фаол курашчиси ҳамда тарғиботчиси бўлиб қолишди. Газета мухлислари кейинги йилларда буни яққол ҳис этишди. Одамлар минбарга чиқиб айтолмаган гапларини, дардларини, изтиробларини «Ёш ленинчи» саҳифаларида бемалол баён қилишмоқда.

Ёшим 46 да. Ўн тўрт ёшимдан буён газета мухлисиман. Лекин газетанинг 30-40 йиллардаги нашрини ҳам ўқиганман. Қандай қилиб дерсиз? 1968 йилда Сирдарё вилояти, Гулистон ноҳиясидаги Ленин номли колхозда фельдшер бўлиб ишлардим. Беморларни кузатиш мобайнида ҳафтада уч кун қишлоқ айланаман. Бир куни қишлоқнинг энг кекса кишиси Шерали ота Муҳитдинов хонадонига кириб қолдим. Сўрида бирга чой ичдик. Кетмоқчи бўлган эдим, у:

— Шошма, ўғлим, сенга бойлигимни кўрсатмоқчиман, — деб қолди.

Ҳайрон бўлдим. Бир пайт у «орқамдан юр», деди. Молхонадан ўтиб омборга кирдик. Омбордан нарвон билан болахонага чиқдик. Шерали ота бурчакда ётган эски қопнинг боғичини ечди. «Олтинни борга ўхшайди», деб гумон қилдим.

— Мана бу қопнинг ичи тўла «ақл». Ҳозир уйингга орқалаб кетгинда, бир ойдан кейин қайтариб кел. Сени мухбирлик қилади дейишди, билиб қўй, шунинг учун беряпман, — деди ота.

— Бу нима? — десам «борганда биласан» деб жавоб қилди.

Зар топган заргардек қопни уйга орқалаб кетдим. Бориб қай кўз билан кўрайки, қопнинг ичидаги «ақл» «Ёш ленинчи»нинг 30-40 йилларда чиққан ва сарғайиб кетган сонлари. Бир қисми лотин алифбосида босилган. Уларни яхши тушунмадим. Салкам бир ой ичида қирқинчи йилларда чиққан сонларини (ҳар бир сони икки саҳифадан иборат) берилиб ўқиб чиққанимда бутун уруш олди даври, жафокаш халқимизнинг ўша пайтдаги оғир ҳаёти кўз олдимда яққол гавдаланди. Гўё ўша даврда яшагандек ҳис қилдим ўзимни.

Газета қутлуғ ёшга тўлган кунда буни эслашимнинг боиси шуки, «Ёш ленинчи»ни ўша пайтдаёқ ҳамма муштарийлари ардоқлашган экан. Қишлоқнинг оддий бир мироби 30-35 йил мобайнида унинг ҳар бир сонини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келганлигидан ҳайратланмаслик мумкин эмас.

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш Давлат қўмитаси ташкилий-методик бошқармасининг бўлим мудири.

ОҚИБАТ

Бундан 25 йил муқаддам «Ёш ленинчи» газетасига ТошДУнинг журналистика бўлими битирувчиси сифатида қадам босдим. Ҳозир ўтган йиллар хусусида турли ҳил фикрлар билдирилмоқда. Аммо мен ўша давр руҳини редакция муҳити мисолида беришга интиламан.

Газета муҳаррири Абдулазал Ваҳобов, муовини Рустам Шоғуломов, масъул котиби Турғун Авазов эди. Муҳаммаджон Қўшоқов, Мухтор Аҳмедов, Барот Бойқобилов, Анвар Бўрибоев, Карим Раҳимов, Абдулла Каримов, Маҳкам Раҳмоновлар бўлим мудири бўлиб ишлардилар. Энг муҳими, коллективда меҳр-оқибат кучли эди. Ижодий мусобақа руҳи ҳукмрон бўлиб бу мендек бошловчи журналистга катта таъсир ўтказди. Номерни олиб борувчилар Абдуворис Абдумажидов ва Турғун Авазов кимнинг макети зўр чиқади қабилида мусобақа қилишарди. Бу эса бўлимдагилар ғайратига-ғайрат қўшарди.

Катта адабий ходимлар Ашурали Аҳмедов билан Муҳаммад Салом ким зўр ёзади қабилида ижод қилишгани ёдимда. Адабиёт бўлимидан бошловчи ёзувчи-шоирлар аримас эди.

Бу ижодий муҳитга тез сингиб кетдим. Чунки редакция ходимлари ёшларга лоқайд қарашмасди. Улар менга самимий муносабатда бўлишарди. Натижада ўзаро яқинлик, ишонч вужудга келди. Практика тугаши арафасида муҳаррир мени ишга қабул қилинганимни, энди ҳам стипендия, ҳам маош олишимни айтди. Ёшларга эътибор, ғамхўрлик ва ишонч нималигини мен ўз мисолимда айтай. Олти ой ичида кичик адабий ходимдан масъул котиб ўринбосаригача мансаб поғоналарини босиб ўтдим. Бунга нима дейсиз?

Комсомол ташкилоти котиблигига сайлангач, мен редакция ёшлари етакчисига айландим. Бу ўринда Рустам Шоғуломовнинг ҳиссаси катта бўлди. У ёшларга ишонарди. Ҳар бир ходимнинг қандоқ яшаши, туғилган куни, ғами-дардидан ўз вақтида огоҳ эдик.

1966 йил декабрида бутун редакция мени армияга кузатди. Хайрлашув чоғида яхши тилаклар билдиришган. 1967 йили эса А. Ваҳобов, Р. Шоғуломов ва бўлим мудири З. Отахоновлар менга партияга ўтиш учун тавсиянома йўллашган. Армиядан юборган мақолаларим босилган номерлар ҳарбий қисмга юборилгани эсимдан чиқмайди. Аскарлар ва сипоҳилар редакция жамоаси ўзининг собиқ ходимига меҳрибонлигидан ғоятда ҳайратга тушишарди.

Москва ҳарбий округи қўмондонлиги мени округ газетасига ишга таклиф қилишганда кўнмаганман. Чунки мени қадрдон ҳамкасбларим кутмоқда эди.

Генерал-лейтенант Н. И. Елфимов мени тўғри тушунди:

— Биласизми, ўртоқ Содиқов, — деди у кулиб, — мен жавобингиздан мамнунман. Сиз «бир кун туз ичган жойга, қирқ кун салом бер», деган ўзбек мақолига амал қилдингиз.

Ўшанда унинг сўзларидаги маънога унчалик эътибор бермаган эдим. Чунки атрофимдагилар оқибатли одамлар эди. Шунинг учун кўпинча биз бундай ишларга табиий, деб қараганмиз. Яқинда эса бир дўстимиз вафот этганида бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Редакцияда бирга ишлаган, ҳатто дорилфунунда бирга ўқиган курсдошим мени кўриб кўрмаганга олди. Мансабдор кишилар билан кўришиб, шундоқ ёнимдан ўтиб кетди. Шунда беихтиёр 1966 йил ёз ойида «Ёш ленинчи» газетасида бўлган воқеа ёдимга тушди.

Ўша мени кўриб ўзини кўрмаганга олган йигит редакция топшириғига кўра репортаж ёзиб келиши керак эди. Репортаж номерга тушиши лозим. У анча кечикиб келди. Ўн варақча ёзганини муҳаррир ўқиб, энсаси қотди. Муҳаррир ўринбосари уни менга бериб, «қисқартириб тайёрланг», деди.

— Бир куни овора бўлганимга яраша қисқартирманглар, — деди курсдошим.

Масъул котиб Абдуворис Абдумажидов машинкага ўтириб, менга буюрди:

— Қани бўлақол. Мен кўчираман. Айтиб тур. Номер кутмасин.

Мен ўн қоғозли материалдан мағзини олиб, қирқ йўлга туширдим. Кичик репортаж шаклида материал биринчи саҳифада босилди. Курсдошим мени ташқарига имлаб:

— Бу яхшилигингни умрбод унутмайман. Мени шарманда қилмадинг, — деди.

Ҳозир у катта мансабдор. Лекин зинҳор журналист эмас. Шундай диплому бўлса ҳам.

Қиссадан ҳисса шуки, «Ёш ленинчи»да кўп одамлар ишлаган. Мен 60-йиллар редакция ҳаёти ҳақида оз ҳикоя қилдим. Улар ҳақида ҳали кўп ёзиш ниятим бор. Мендан саховатини, меҳри ва меҳнатини аямаган устоз журналистлардан умрбод миннатдорман.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари номзоди.

Раҳнамо бўлишганди

МАРҒИЛОНЛИК КЕКСА ПАРТИЯ ХОДИМИ ЎРМОН АҲМЕДОВ ХОТИРАЛАРИДАН

— 1926 йилда комсомолга ўтгач, Марғилон шаҳар комсомол қўмитасида ишладим. Тез орада мухбирликка қизиқиб, матбуотда қатнаша бошладим. Ўша кезда «Ёш ленинчи», «Ишчи», «Камбағал деҳқон» газеталарида хабарларим билан тинмай қатнашардим. Бу борада қадрдон дўстим, тажрибали журналист Карим Ғайбуллаевнинг маслаҳат ва ёрдами катта бўлди. 1933 йилда мени ва фаол мухбир Холбек Ёдгоровни «Ёш ленинчи»нинг муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаётган К. Ғайбуллаев Тошкентга таклиф қилиб қолди. Унинг мақсади бизни ҳам газетага ишга таклиф этиш эди. Ўша вақт у моҳир журналист Комил Алиевнинг уйида турарди. Хонадон соҳиби эса Бухорога ишга юборилганди. Биз билан бирга Насрулла Оҳундий, Абдулла Лутфуллаев сингари тенгдошларимиз ҳар доим бирга бўлишарди. Каримнинг уйида 10-15 нафар бўлиб яшаганимиз кечагидек ёдимда. У ўзига ва бошқаларга талабчан эди. Энг муҳими, ҳаммамизни тинмай ёзишга ундарди. Ёзган мақолаларимизни матбуотда чоп этилишига кўмак берарди. Бир куни у менга:

— Сен тўғрингда комсомол Марказқўми котибига гапириб бердим, — деб қолди.

— Биз сизни комсомол ишига олмоқчимиз. Бунга Карим ҳам рози, — деди учрашганимизда жумҳурият комсомол Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Исроил Ортиқов.

Ўшанда ҳўп демасдан бошқа иложим қолмаганди. Нурота ноҳия комсомол қўмитасига ишга юборилдим. 1935 йилда эса Каттақўрғон шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишладим.

А. Икромов қамалгач, шаҳар фаоллари йиғилишида мени ишдан бўшатишиб, ҳибсга олишга қарор қилинди. Бундай бедодликдан азият чекиб, бир неча кун нима қилишимни билмай юрдим. Шаҳар ГПУси бошлиғи Булатовга қўнғироқ қилиб, агар душман бўлсам, буни исботлашни талаб этдим. Акс ҳолда Тошкентга жўнашимни билдирдим. Шундан сўнг Марказий Қўмита котиби Расул Муҳаммадиев билан гаплашувдим, у тезда пойтахтга етиб келишни буюрди. Аммо боришга пул йўқ.

Кўчага чиқилса, қамаб қўйишлари ҳам мумкин. Темир йўл станцияси бошлиғи, кўқонлик Иброҳимовни яхши танирдим. Уникига бориб мени бир амаллаб Тошкентга жўнатишни илтимос қилдим. У уйига олиб кириб, хотинини чипта олгани юборди. Чой ичиб, поезд келиши заҳотиёқ ўзи мени олиб чиқиб, кузатувчига қаттиқ тайинлади. Чунки ўша кезда вокзалда НКВД ходимлари изғиб юришарди. Ким қаёққа бораяпти, нима қилаяпти, ҳаммасидан огоҳ бўлиб туришарди. Агар менинг кетаётганимни билиб қолишса борми, нақ қочаяпти, дея қамоққа олишлари ҳам эҳтимолдан холи эмасди. Шу боис Иброҳимов мени яширинча жўнатиб юборди.

Тонгда комсомол Марказий Қўмитасига борсам, унинг олдида 50-60 ички хизмат ходимлари туришибди. Ичкарига киритишмайди. Улардан мени Марказий Қўмита котиби чақирган, дея зўрға ўтиб олдим. 6-хонада ўтирган Р. Муҳамадиевнинг олдига кириб, алам қилганидан йиғлаб юбордим. У менга К. Ғайбуллаевникига бориб туришни тайинлади. Каримникига борсам, у ҳам бир ҳолатда ўтирган экан. Эсимда, ўша кезда И. Ортиқовнинг масаласи Марказий Қўмита пленумида кўрилаётганди. Ўтириб, икковимиз бироз дардлашдик. Чунки уни ҳам ўша кезда «Ёш ленинчи» газетаси муҳаррирлиги вазифасидан «халқ душманлари»га ён босганлиги учун олиб ташлашганди.

Эртасига жумҳурият Марказий Ижроия Қўмитасининг Раиси Йўлдош Охунбобоевнинг ҳузурига бордим. У мени яхши биларди. Нуротага комсомол ишига боришдан олдин ҳам унинг ҳузурига кирган эдим. Унга бўлган воқеани батафсил сўзлаб бердим. У ёрдамчиси Расул Ғуломовни чақириб, менга ёрдам тариқасида 500 сўм беришни тайинлади. Шундан сўнг машинага ўтқазиб, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Усмон Юсуповнинг олдига олиб борди.

— Мана бу йигит Аҳмад ялангоёқнинг боласи бўлади, — деб гап бошлади Йўлдош ота хонага киргач, — уни ҳам бойнинг фарзанди дейишларига бало борми? Энди одам бўлиб комсомолда яхши ишлаб юрганди, шуни кўп кўришибди. Унга ёрдам бермасангиз бўлмайди.

— Яхши, — деди бироз ўйланиб тургач Усмон ака, — бўлмаса, уни ўзингиз олиб бориб, Уйчи ноҳиясига ишга қўйсиз. Ижроқўмда ишлаб турсин.

Бир кун ўтгач, Йўлдош Охунбобоев мени Уйчига олиб кетди. У ерда райижроқўм раисининг ўринбосари этиб тайинлашди. Тўрт йил ноҳия ижроия қўмитасининг раиси бўлиб меҳнат қилдим. 21 йил Боғдод, Фрунзе, Киров ноҳия партия қўмиталарининг биринчи котиби бўлиб ишладим.

Ўтган йиллар давомида ҳам «Ёш ленинчи» билан алоқани узганим йўқ. Уни мунтазам кузатиб бордим. Газета ютуғидан беҳад қувондим. Чунки унда бир вақтлар ишлаганлигим билан доимо фахрланиб юрардим. Бундан ташқари ёшликдаги дўстларим Карим Ғайбуллаев, Холбек Ёдгоровлар билан ҳамнафас ва ҳамфикр бўлганимдан бахтиёр эдим. Улар менга кўп ҳолларда раҳнамо бўлишган.

И. УСМОНОВ ёзиб олди.





БИЗ—«ЁШ ЛЕНИНЧИ»ЛАРМИЗ!

КЕЧА РЕДАКЦИЯМИЗДА «ЁШ ЛЕНИНЧИ»НИНГ 65 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТУРЛИ АВЛОДЛАР ЖУРНАЛИСТЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ.

1990 йил 7 февраль. «Ёш ленинчи»да яна бир учрашув. Унга устозлар ва шогирдлар йиғилишган. Рўзноманинг 65 йиллиги арафасида ўтказилган дилдан суҳбатга газетада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган, уни жумҳуриятдаги энг жанговар матбуот нашрларидан бирига айланишига ўз ҳиссасини қўшган тажрибали журналистлар келишган. Бу галги йиғилиш бошқаларидан тубдан фарқ қилиб, ўзаро мулоқот тариқасида ўтди. Устозлар газета ҳақида очиқчасига сўзладилар, таклифлар киритдилар, турли йилларда бирга ишлаган ҳамкасбларини ёдга олдилар. Учрашув қатнашчиларига бир гуруҳ санъаткорлар куй ва қўшиқлар тақдим этишиб, уларнинг дилини хушнуд этишди. Редакция хоналарида жонланган ўзаро мулоқот бир пиёла чой устида давом этди.

Учрашувда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси ташкилий-партиявий ва кадрлар ишлари бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Ў. О. Зокиров, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Н. Носиров ўртоқлар қатнашишди ва сўзга чиқишди.

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лаҳзалар.

Ё. БОТИРОВ суратлари.




ҚУТЛОВЛАР, ТАБРИКЛАР

«Ёш ленинчи» газетаси журналистларига!

ГАЗЕТАНИНГ ҳар бир сонини интизорлик билан кутаётган Хоразм меҳнаткашлари номидан ижодий жамоанинг 65 йиллиги билан самимий қутлаймиз. Жумҳуриятимиз меҳнаткашларини қизиқтирадиган ҳозиржавоб мақолалар ёзилишини истаб, барча ижодий ходимларга сиҳат-саломатлик, улкан ижодий муваффақият тилаймиз.

Э. САМАНДАРОВ,
Ўзбекистон Компартияси вилоят қўмитасининг котиби».

* * *

«БУХОРО вилояти Олот ноҳияси коммунистлари, комсомоллари ва бутун меҳнаткашлари Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг органи «Ёш ленинчи» газетаси ходимларини рўзноманинг 65 йиллик юбилейи билан қизғин муборакбод қиладилар. Газета жамоасига ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда куч-ғайрат, юксак ишонч ва муваффақиятлар тилаймиз.

Олот ноҳия партия қўмитаси,

Олот ноҳия комсомол қўмитаси».

* * *

«СЕВИМЛИ рўзномамизнинг қутлуғ 65 ёши билан муборакбод қиламиз. Унинг доимо биз ёшлар билан қолишини тилаб:

Хоразм вилояти Боғот ноҳия комсомол қўмитаси».

* * *

«ЁШ ЛЕНИНЧИ» таҳрир ҳайъати аъзолари сизларни рўзноманинг 65 йиллик юбилейи билан қутлаймиз.

Урганч ноҳия комсомол қўмитасининг котиби
Қ. МАДРАҲИМОВ».

* * *

«ЁШ ЛЕНИНЧИ» рўзномаси жамоасига! Сизларнинг рўзномангизнинг биринчи сони чиқа бошлаганига 65 йил тўлиши муносабати билан қизғин қутлаймиз. Қайта қуришнинг фаол иштирокчиси бўлиб қолишингизни тилаймиз.

Хоразм вилояти Боғот ноҳиясининг «Ленинг йўли» газетаси жамоаси».

Асқад МУХТОР

Газетамнинг тўрт саҳифаси

Ўлкам билан менинг таржимаи ҳолим
Газетамнинг тўрт саҳифаси.
Имон-эътиқодим эзгу бешиги,
Ҳаётимда гўё тўрт фасл —
Газетамнинг тўрт саҳифаси.
Ватаним ҳам буюк Ватанимнинг
Энг гўзал бир жумҳурияти,
Асримиз ва планетамизнинг
Шодликлари ва таҳликаси —
Газетамнинг тўрт саҳифаси
Офтоб қайнаган қўм-кўк далалар,
Илк беш йилликлардан гудоклар саси,
Алифбеим ва дорилфунуним.
Шеърим балоғати ҳам вазифаси —
Газетамнинг тўрт саҳифаси,
Оғир кунларимда рағбат ва мадад,
Зафар гулдуроси, хирмон шуъласи,
Дўстим, иш столим, фахрий ёрлиғим,
Баҳорда боғларнинг хушбўй нафаси —
Газетамнинг тўрт саҳифаси.
Беомон ҳакаму мунис мураббий.
Халқ дилининг кўзгуда акси,
Ҳар кун қуёш билан бирга кутганим,
Умрим тариқаси, ҳислар харитаси —
Газетамнинг тўрт саҳифаси!

1975 йил.

ИЛИНЖ

Ўлсак ер остида қолиб кетмаймиз,
Балки мавжуд эрур Мункар-Накирлар.
Унда бор ўтмишни ҳисоб этгаймиз,
Икки улкан гуруҳ: «тоза»лар, «кир»лар
Сўнгра замин узра униб чиққаймиз,
Кимдир чақир тикон, ким чинор бўлиб,
Ҳаёт давом этар шундай таҳлитда.
Кимнинг қандайлиги ошкор бўлиб...
Ўлим — тирикликнинг сўнгги бекати
Орада қанчадан-қанча масофа.
Яратиш, йўқ қилиш — бу умр саси,
Тириклик — бир лаҳза, йўл —мангудир, ҳа.
Варақланг, сарғайган рўзномаларда
Чанг босиб ётибди эл, юрт тарихи.
Билиш қийин эмас ул номалардан
«Чинор» ва «тикан»нинг қанчалик фарқи.
Серчинор диёрни куйдирмас офтоб,
Ё пайҳон этолмас довуллар, селлар.
Эшитилмас ҳеч қандай ёввойи хитоб,
Сувлар тиниқ оқар, тинч яшар эллар.
Ўлсак ер остида қолиб кетмаймиз...

Ҳайдар АКБАР.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА

Она тилаги

Газетадаги чорак асрдан ортиқ фаолиятим давомида вояга етказган уч нафар фарзандимдан бири ўғлим Шавкатжоннинг бахт кечаси газетанинг 65 йиллиги арафасида ўтганидан бахтиёрман.

●

Минг шукрким,
ўғилжоним
Тўйингни ҳам кўрдим
мен.
Сенга бахт ва толе
тилаб
Рўпарангда турибмен.
Лекин ўғлим, бахту,
иқбол,
Ўз-ўзидан келмас сира.
Унинг заҳмат ва
завқини
Дадангдан, мендан
сўра.
Ақлу заковатинг
билан
Меҳнатни уйғун
қилгин.
Ҳар жабҳада
ибратликни
Йигитлик бурчи
билгин.
Катталарга
иззатингни
Канда қилмагин ўғлим.
Бу ҳислатлар сенда
жодир
Шундан хотиржам
кўнглим.
Мен уларни алла айтиб.
Юрагингга
қуйганман,
Ўнта ўғил умрин
тилаб
Бор меҳримни
қўйганман.
Бахт қасрини қурмоқ
бўлсанг
Меҳрим омад
йўлласин.
Марҳум икки бувинг,
бувангг
Пок руҳлари
қўлласин.
Бир қўлингда
Нодирахон,
Бир қўлингда бизни
тут.
Шунда ўғлим
уйимиздан,
Аримас, барака, қут.
Сизни кўриб дўстлар
доим,
Ҳавас билан қарасин.
Ҳар қадамда ёмон
кўздан
Оллоҳ ўзи асрасин.

КЎЗ ТЕГМАСИН!

Том маънода инқилоб кетаётган бир паллада ҳамон-ҳануз мудраб ётган ўзбек журналистикасини уйқудан уйғотишга даъват этаётган матбуот нашрлари орасида «Ёш ленинчи»га тенг келадигани йўқ, назаримда. У турғунликнинг жумҳуриятимиз осмонини қоплаб ётган қора булутлари орасидан чақиндек чақнаб чиқди. У одамларимизнинг ўзлигини англашида, бағри эзилган Адолатнинг ярасига малҳам бўлишда мислсиз жаҳду жадаллик кўрсатаётир, гарчанд боши не-не дардларга гирифтор этилса-да!

Мен ишга мудом пиёда бораман ва йўл-йўлакай, албатта, «Союзпечать» дўконига учрайман. Лекин у ердан 2-3 йилдан бери «Ёш ленинчи»ни харид қилолмайман. «Э, отлиққа йўғ-у, пиёдага йўп бўлсин. Босмахонадан олкелишимиз биланоқ, талаб кетишади!», дейди фахр билан дўкончи.

Газетаю-журналлар сони кўпайиб бораётган ҳозирги пайтда ярим миллиондан зиёд муштарийга эга бўлиш осон эмас, албатта. Бу ўта қийин, ўта масъул юкни ўз елкаларида жасурлик ва матонат билан кўтариб келишаётганлар — ушбу рўзноманинг ижодий ходимларига таъзим қилмоқ, иложи бўлса уларни бошга кўтармоқ керак.

Аммо... Улар, ҳақиқат учун ҳар онда жонларини жабборга беришга тайёр бу оташқалб журналистларнинг ўзлари ҳар қадамда ноҳақлик ила бақамти келишяпти. Ўзингиз ўйлаб кўринг, «Ёш ленинчи» йилига икки миллион сўм фойда келтиради. Лекин унинг бир тийини ҳам редакцияга берилмайди!! Аслида бу фойданинг катта бир бўлаги ўз эгасига берилиши шарт-ку! Ана ўшанда бу рўзномада ишлайдиганларнинг меҳнати самараси яна ўн карра ошиб кетиши турган гап. Чунки шу маблағлар эвазига уларнинг ҳозирда яккаю-ягона иш қуроллари бўлмиш ручка ёнига замонавий диктафонлар, видеокамералар ва ниҳоят компьютерлар қўшилади. Шу маблағлар эвазига «Ёш ленинчи»нинг жумҳуриятимиздаги ҳар бир вилоятда ўз мухбирлари бўлади (ҳозир эса вилоятлар бўйича рўзноманинг атиги уч нафар мухбири бор, холос). Маблағ кўпайгач, «Ёш ленинчи»нинг ходимлари маошдан-маошгача танга санаб кун кечиришдек ҳақоратли ҳаёт тарзидан холос бўлишади. Бўлди-да энди, қойиллатиб ишлаганлар қандини уришсин-да, ахир!

Ҳар ким ўз меҳнатига яраша баҳо ҳам, ҳақ ҳам оладиган кун келмадими энди!!

Олтмиш бешга кирган, аслида эса навқирон, куч-қувватга тўла «Ёш ленинчи»га маслагидан ҳеч қачон қайтмаслигини тилайман. Кўз ҳам тегмасин унга. Қут ва барака аримасин ундан!

Анвар ЖЎРАБОЕВ,
Ўзбекистон ССР Журналистлар уюшмаси мукофотининг лауреати, «Санъат» журналининг масъул котиби.

Тарихимиз тилга кирди

Кейинги вақтда 30-50 йилларда қатағон қилинганларнинг пок номини тиклаш борасида матбуот ходимлари катта ишларни олиб боришмоқда. Айниқса, «Ёш ленинчи» газетасидан доимий ўрин олган «Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари» ойна сўзи остида берилаётган мақолаларда ўша мудҳиш даврда жабрланган халқимизнинг асл фарзандлари ёдга олиняпти.

Отамиз Миёнбузрук Солиҳовнинг номи кўп йиллар «халқ душманлари» сафида бўлиб келди. Уни ҳам 1937 йилда ноҳақ ҳибсга олишиб, 1938 йилда отиб юборишгани узоқ йиллардан сўнг бизга маълум бўлди. Отамнинг Истамбул дорилфунунида таҳсил кўргани, кўп йиллар мобайнида ўзбек адабиёти фанидан ёшларга сабоқ бергани айримлар учун ғайритабиий бўлиб кўринган. Унга «турк жосуси» деб айб қўйишгани ҳеч ақлга тўғри келмайди.

Газета саҳифаларида эълон қилинган «Йиллар ва тақдирлар» сарлавҳали мақолада отамизнинг ҳаёти ва 10 йиллик илмий-педагогик фаолияти ҳақида маълумот берилган. Бу унинг фарзандлари дилини хушнуд қилди. Оиламиз тарихи тилга кириб, бизга номаълум бўлган маълумотлар рўёбга чиқди. Биз бундан беҳад миннатдормиз.

М. СОЛИҲОВ,
халқ маорифи аълочиси, меҳнат ветерани.

Бир мақола тарихи

Қишлоғимиз аҳли бировлар устидан ёзишни ёқтиришмайди. «Ёш ленинчи»да «Зебунисо учга тўлди» сарлавҳали мақола босилиб чиқди-ю, ҳаловатим йўқолди. Унда Майрам исмли аёл ва унинг олти гўдаги уйсиз саргардон бўлиб юргани, маҳаллий раҳбарларнинг ёрдам кўрсатмаётганлиги танқид қилинган эди. Эртаси мактаб директори Аваз Қаршиевни учратдим.

— Ҳамма ёқда дув-дув гап, — деди у. — Газетани тополмаганлар марказга тушиб, киоскалардан бир сўмдан сотиб олишди. Устингиздан арз қилмоқчи бўлганлар ҳам йўқ эмас.

Дард устига чипқон бўлди. Ҳали буниси ҳолва, ғалва кейинда бўлса керак, деган ўйга бордим.

Орадан кўп ўтмай вилоят судидан жавоб хати келди. Унда кўчада қолган болали аёлга уй ажратилиб берилгани баён этилгани билан бирга менинг шаънимга ҳам тегишли гап бор эди. Гўё мен қариндошимни ҳимоя қилган эмишман. Ҳуқуқшуносларнинг ўйламай-нетмай билдирган фикридан энсам қотди. Уларнингча энди муҳаррирдан «насибам»ни олишим аниқ эди. Ноҳақ гап — дакки эшитишни ким истайди, дейсиз?

Шунда Майрамнинг эри Ҳамроқул ака ҳақида ўйладим. Ҳамма ҳам хато қилади, адашади. Аслида ўзим ошириб юбормадиммикин? Воқеа баттарроқ газак олмасмикин? Унинг ақли расоку! Шу кўйи ойлар, йиллар ўтди. Ташвишларим беҳуда бўлиб чиқди. Оила қайта тикланди. Ҳозир гўдаклар отаси билан. Зеро, унинг ўрнини ҳеч ким босолмайди.

дарҳол қўлга қалам олгачим йўқ. Олти ой ўйладим, воқеаларнинг боришини кузатдим. Лекин қиш кунида олти гўдакнинг деразасиз, эшиксиз, совуқ уйда яшаётганлигини кўриб, кўз олдимда шундай воқеа содир бўлаётганига бепарво қарай олмадим.

Ҳамроқул ака-ку, менга

Маъзур тутинг...

— Аро йўлда қолганлар мушкулини осон қилиш яхши фазилат, болам, — деб қолди онам бир сафар уйга борганимда. — Лекин энди, бунақа ишларга кўпам аралашаверма...

Оналарга осон эмас. Фарзанди учун ташвишга тушади-да!

Очиғи, Майрам ва гўдаклари тўғрисида ёзиш учун ҳеч нима демади. Аммо вилоят судининг юқоридаги ортиқча гапи кўнглимга оғир ботди. Ўшанда муҳаррирдан қаттиқ гап эшитганимда, ўзимни ўнглолмаслигим аниқ эди. Ҳайриятки, жамоамизда воқеаларга тўғри баҳо бериш, ҳар бир муаммони одилона ҳал этиш муҳити яратилган. Шахсан менга илгариги муҳаррир ўринбосари Қулман Очилов, бўлим мудирлари Муқаддас Абдусаматова, Сафар Остонов, Ислом Усмоновларнинг кўмаклари, қийналган пайтларимда кўнглимни кўтаришлари, самимий мулоҳазалари далда бўлиб келяпти.

Қайси куни бир ҳамкасбим нолиб қолди:

— Катталар менга кун беришмаяпти. Ишдан кетаман.

Унинг тажрибаси кам бўлиши мумкин. Шу боис гоҳида ўзи хоҳламаса ҳам, хатога йўл қўяди. Лекин ана шу камчиликлар унинг кўзини очишини унутмаслик керак. Дўстимга ачиндим. Ниҳол бир жойда кўкаради. Янги жамоага, ўзга муҳитга кўникиш осон кечмайди, албатта.

Таъна эмас, лекин айтишим лозим. Олдинги жойимда ҳамкасбларимнинг ҳаракати суст эди. Ишлайман десанг, йўл беришмас, кўп ҳаддингдан ошаверсанг, обрўйингни тўкишга ружу қўйишарди. Ўшанда ишдан кўнглим тўлиб қайтган пайтларим кам бўлган. Лекин «Ёш ленинчи» рўзномасида тамоман ижодий муҳит ҳукмрон. Кўз тегмасин, тўрт йилни кузги елвизакларга совурмадим. Бу даргоҳда «мен миллионерман» деганларни учратмадим, аммо бир-биридан яхши ҳислатли, ажойиб фазилатли инсонларни кўрдим.

Тўлқин ҲАЙИТ.

ТВ

9 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 «Шоирлар — болаларга». Турсунбой Адашбоев. 18.10 «Абадият». «Ассалом, Навоий!». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Тиллар байрами — эллар байрами». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Навоийхонлик». Мусиқий кўрсатув. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Навоий наволари». Мусиқий кўрсатув. 23.30 «Асрлар оша...» Камолиддин Беҳзод. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

* * *

19.05 «Товар — халққа». Енгил саноат корхоналарининг янги иқтисодий шароитлардаги иши ҳақида (рус тилида). 19.45 «Ёшлик» студияси почтасидан. 20.30 «ЎзССР Ички ишлар министрлиги хабар қилади...» (рус тилида). 20.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Айни ҳаракат пайти». Сайловлар олдидан (рус тилида).

● МТ I

16.00 «Уч кооператив учун соната». Телевизион ҳужжатли фильм. Грузия кооперативлари ҳақида. 16.25 Чувашия АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 17.10 «Соат бешда портлайди». Бадиий фильм. (ЧССР). 18.15 Фалсафий суҳбатлар. «Рус фалсафаси ва ҳозирги давр» 1-кўрсатув. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 Мультфильмлар: «Манзара», «Пийма». 19.35 Халқаро конкурслар лауреати Д. Хворостовский куйлайди. 20.15 «Васька». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. Премьера. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Бу бўлган... бўлганди...». 22.35 «Нигоҳ». 00.05 МТ хазинасидан. РСФСР халқ артисти Э. Грач концерти (скрипка).

«ЁШ МУХБИРЛАР» ДОРИЛФУНУНИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Дорилфуноннинг навбатдаги машғулоти шу йил 9 февраль жума куни соат 17.00 да редакция биносида ўтказилади.

«ЁШ ЛЕНИНЧИ»
МАКОНИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
Д 28127.
Р 04074.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.